

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Д. А. СУЛТАНОВА, Ф.Р. ҲАЛИМОВА

ШЕЪР ВА ТАРЖИМА

Самарқанд – 2009

Д. А. Султанова, Ф.Р. Ҳалимова. **Шеър ва таржима. Ўқув-услубий қўлланма.** СамДЧТИ нашри, Самарқанд: 2009. _____ бет.

Мазкур услубий қўлланма таржимашунослик назарияси ва амалиётидаги масалалардан бири, яъни шеърини асарларни бир тилдан иккинчи тилга бевосита ўгиришга бағишланган бўлиб, бу борада бугунга қадар эришилган ютуқ ва тажрибаларни умумлаштириш, бевосита таржиманинг келажаги ҳақидаги назарий қарашлари таҳлилига бағишланган. Ушбу ўқув услубий қўлланма инглиз тилидан ўзбек тилига, ўзбек ва тожик тилидан инглиз тилига таржима қилиш, бадий матнни қайта яратишнинг назарий-амалий жиҳатларини ҳозиргача деярли ўрганилмаган соҳаларини ёритишни мақсад қилиб олган. Шеър таржимасига янгича ёндашиш, қиёсий прагматика асосида таржималарни таҳлил қилиш учун материаллар, ҳар хил жанрдаги шеърлар берилган. Ўқув услубий қўлланма таржима назарияси ва амалиёти билан шугулланувчи талабалар, магистрантлар, аспирантлар ва бадий таржима билан қизиқувчи ёш таржимонларга мўлжалланган.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	4
I БОБ ПОЭТИК МАТН ВА УНИНГ ТУРЛАРИ	8
1.1 Инглиз шеъриятининг жанрлари.....	8
1.2 Инглиз шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти тарихидан.....	9
II БОБ. ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИНИНГ РИТМИК ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ	12
2.1 Ритм ва уни таҳлил этиш усуллари	12
2.2 Ритмнинг тизимли белгилари	14
2.3 Бир шеърий матннинг ритмик таҳлили	16
2.4 Таржимада вазн, ритм ва оҳангнинг қайта яратилиши	20
III БОБ. ЭВРОНИК ЭЛЕМЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРЖИМА БЕРИЛИШИ	24
3.1 Эвроник элементлар ифодавий фонетиканинг ўрганиш объектидир.....	24
3.2 Эвроник элемент-аллитерациянинг таржимада берилиши.....	25
3.3 Ассонанс ва унинг таржимада берилиши.....	29
3.4 Қофия ва унинг таржимада берилиши.....	30
3.5 Такрорнинг бошқа турлари ва уларнинг таржимада берилиши.....	33
IV БОБ. ШЕЪРНИНГ ЛЕКСИК -ИФОДАВИЙ ҚАТЛАМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ	36
V БОБ. ШЕЪРНИНГ СИНТАКТИК ҚУРИЛИШИ ВА УНИНГ ТАРЖИМАДА АКС ЭТИШИ	42
VI БОБ. ШЕЪРИЯТ ТАРЖИМАСИДА ТРАНСФОРМАЦИЯНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ	45
VI БОБ. ПОЭТИК МАТН ТАРЖИМАСИНИНГ ПРАГМАТИК МУАММОЛАРИ	50
VII БОБ. ОБРАЗ ВА УНИНГ ТАРЖИМАДА АКС ЭТИШИ	55
IX БОБ. ҒАЗАЛ ШАКЛИНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ	57
X БОБ. БЛЮЗ ЖАНРИ ҲАҚИДА	59
АМАЛИЁТ	
1. Инглиз ва Америка шеъриятдан ўзбек тилига таржималар	60
2. Шарқ шеъриятдан инглиз тилига таржималар	105
3. Муаллиф ижодидан	130
4. Шеър таҳлили наъмунаси	135
ХУЛОСА	138
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	141

СЎЗ БОШИ

Шеърый таржиманинг ўзига хос муаммолари

Проза (насп) ва поэзия (назм) жанрлари ташқи шакл жиҳатдан нутқий тузилишига кўра ўзаро фарқланади. Ички жиҳатдан шеърый нутқ прозадан ўз оҳангдорлиги, ритмик қурилишига кўра фарқланади. Соат бир маромда чиққиллаб турганидек, инсон юраги ҳам бир хил тарзда уриб туради. Ритм ҳосил бўлишини ана шунга қиёслаш мумкин. Бу хусусият шеърый нутққа ҳам хосдир. Ритм – шеърый нутқнинг асосий белгиси. Шеър матни бир-бирига тенг бўлақлар ва тенг сатрларга бўлинган, демак маълум ўлчовли нутқий фаолиятдир. Шеър она тилининг мўжизаси. «Тилнинг барча нозик хусусиятлари, фонетикаси, мусиқавий имкониятлари, ритми, товуш ва асрлар мобайнида шаклланган луғат хазинаси, талаффуз қонуниятлари-буларнинг ҳаммаси шеърда бор бўйи билан намоён бўлади»¹. Шеър ҳатто ўз синтаксиси, ўз грамматикасига эга. Ҳар бир халқнинг ўз “шеърый тили”, қарор топган поэтик анъаналари бор. Алоқиди шаклланган усуллар, шеърый тизимлар мавжуд. Шеърыйт доимо миллий руҳнинг ифодаси ҳисобланиб келган. Кишилар энг эзгу туйғуларини, умид ва армонларини назм орқали изҳор этганлар. ”Бинобарин, шеър – кўнгил таржимони, шоир – халқ дилининг куйчиси бўлган. Унинг қуроли она тили. Ушбу тил заминида илҳоми жўшиб, шеърыйт деган санъатни яратади”².

“Шеър санъати олий даражадаги гармониядир. Шоирлар руҳий гармония яратувчилардир”, дейди Александр Блок³.

Бу нутқ гармонияси, фикр – мантик гармонияси, мусиқа – ритм гармонияси. Шеърда бу белгилар алоҳида-алоҳида кўринмасдан, балки унда бу хусусиятларнинг ҳаммаси жамулжам бўлган организм сифатида мавжуддир. Унинг ҳамма аъзолари ўзига монанд табиий бўлиши лозим.

Ҳар бир сўз, ибора, ифода, товуш, шоир туйғулари, фикри, кайфияти, прагматик мақсад, яъни тингловчига таъсир ўтказишга хизмат қилиши лозим. Ифода воситалари, тасвирнинг рангдорлиги, шакл ва мазмун симметрияси барчаси ўзига хос уйғун ва мукамал бўлиши лозим. ”Шеърый образ деганда фақат тасвирий ифодавий (лисоний образлилик), сюжетли шеърларда эса персонажлар образигина назарда тутилмайди. Шеърда ритм ҳам, мусиқа ҳам образдир. Ритмсиз (вазнсиз) ва мусиқасиз (оҳангсиз) лисоний образлар оддий проза бўлиб қолади, улардаги парвоз, лисоний маънони ўқувчи вужудига сингдирадиган нур бу - ана шу мусиқавий образлиликдан келиб чиқади.

Шеър она тили бағрида пайдо бўлади ва шу тил соҳиби бўлган халқнинг завқу ҳиссиётини қондиришга хизмат қилади. У бошқа тилга ўгиришни ўйлаб ёзилмайди, лекин таржима қилинади. Шеърдаги ўша олий гармония, фикр, ҳиссиёт, мусиқа уйғунлиги санъати бошқа тилда ҳам моҳирона қайта яратилмоғи лозим.

Шеър бутун сеҳрли жозибаси, она тилдаги баркамоллиги билан бошқа тилга кўчиши мумкинми? Бу муаммо кўп асрлардан бери адиблар, олимлар ва

¹ Ф. Саломов, С. Комилов “Дўстлик кўприклари “- Т.: Ф. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.-1979. 32 б.

² Ўша манба, 94 б.

³ А. Блок. Записные книги. М. : “Художественная литература .”-1965. с. 53.

таржимонларнинг фикрини банд этиб, қайта-қайта мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Таржима - аслиятни айнан такрорлаш санъати эмас. Бу умуман назарий жихатдан ҳам, амалий жихатдан ҳам мумкин бўлмаган иш. Тиллар, шеърий тизимлар, вазн, мусикавий омиллар орасидаги фарқлар бунга йўл қўймайди. Таржима санъати ижодий жараён бўлиб, мазмунни қайта тиклаш, асарни қайта яратиш санъатидир. Шеър таржимаси жуда мураккаб рухий жараёндир. Бу жараёнга ижодкорнинг кайфияти, қарашлари, малакаси каби жуда кўп омиллар ўз изини қолдиради. Шу сабабли таржима асл нусха билан қиёсланаркан, юз фоиз мосликни талаб қилиб эмас, балки қанчалик аслиятга яқинлигига қараб фикр юритиш лозим. “Таржима аниқлиги унинг эстетик таъсир қиймати нуқтаи назаридан аслиятга нечоғлик яқинлигига қараб бахоланади. Бу энг тўғри мезондир”¹. Таржимадан кўзланган мақсад – асл нусханинг ўрнини батамом қоплаш эмас, балки унинг асосий қиймати тўғрисида тўла тасаввур беришдан иборат. Яхши таржимонлар шунга интиладилар. Буни таржима имконияти кўтара олади. Бадиий таржиманинг санъат сифатидаги моҳияти ҳам ана шунда. Тўғри, таржиманинг имкониятлари чегараланган бўлади. Таржимон имконияти эса чегараланмаган. Истиорани, сифатлашни, байтларни, сўзларнинг маъносини ҳамма вақт таржимада беришнинг иложи бор. Ҳиссиёт, оҳанг, ритм, сўзнинг услубий бўёқдорлигини қайта яратиш таржимоннинг шарафли бурчидир.

Шеъриятда сўз – умумий матн таркибидаги бир унсур бўлиб, бу сўз танлаш ва уни истифода этишга бўлган талаб ҳамда шарт-шароитларни бутунлай ўзгартириб юборади. Чунончи, сўзнинг ”шаржилоси”, яъни унинг қандай жаранглаши, узун ёки қисқалиги, таркибидаги унли ва ундош товушлар нисбати, товушлар такрори катта роль ўйнайди. Бунинг устига шеърий асар шоир тақозосига кўра шаклан қатъий, чегараланган бўлади. Унда луғат, услуб, вазн, оҳанг, қофия бир-бирига боғлиқ бўлади. Асл нусхада сўзлар мисрага, мисралар бандга, банд шеърнинг умумий тўқимасига жойлашиб, диалектик яхлитликни ташкил этади. Буларнинг барчасини бошқа тилга ўтказишда шу яхлитликни, шеърий организмни бузиб, янгидан қуриш керак бўлади.

“Шеърий таржимани мазмун –вазн-санъат бирлигида ўгиришни таржима идеали дейиш мумкин,- деб ёзади Ғ. Саломов, - Одатда шундай бўладики, - деб давом этади муаллиф – агар таржима қилинаётган барча “ашёлари” жанри, мазмуни, вазни, мусикаси, луғавий ўзига хослиги ва ҳоказоларни шартли равишда ўнта бирликдан иборат деб олинса, энг сара таржимада бу узвларнинг олти ёки еттитасини сақлаш мумкин”².

Шеърий таржимада ижодкор асарнинг ташқи кўринишини, нутқ товушлари, уларнинг акустик хусусияти, пауза, оҳанг, товушларнинг тартибли бирикуви ва уларнинг сўзнинг асосий маъносига қўшилиб, қўшимча маъно беришини ҳам эътиборга олиш керак бўлади.

Шеъриятда товушларнинг тартибли бирикуви, такрорланиб келиши бошқа ифодали фигуралари каби муҳим ўринни эгаллайди. И.В.Арнольднинг таъкидлашича, шеъриятда метрик ва эвроник унсурлар мавжуд.

¹ Ғ. Саломов, С. Комилов “Дўстлик кўприклари “-Т.: Ғ.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.- 1979. 32 б.

² Ўша асар, 45 б.

Эвроник элементларга аллитерация, ассонанс, эпифара, анафора ва рефрен (накорат) киради.

Метрик унсурларга вазн (ўлчов) банд, туроқ ва шеър киради.

“Meter. A generally regular pattern of stressed and unstressed syllables in poetry. The stressed syllables are marked as (') and the unstressed syllables are marked as (~)”¹.

Eg. *Às fáir árt thóu, mÿ bónníe láss,*

Sò déep ín lúve ám Í;

Ánd Í wíll lúve thèe stíll mÿ déar,

Tíll áll thè séas gāng drÿ.

(Robert Burns)

Мисрадаги буғинлар сони, туроқлар тартибининг муттасал такрорланишидан ритм юзага келади. Мисра охиридаги оҳангдош сўзлар ёки ҳарфлар, яъни қофия ва радифлар ҳам шеърдаги ритмни, оҳангни юзага чиқаришга иштирок этади. Шеърини нутқни ўлчайдиган тарозини – мезонни вазн деймиз. Бўғинлар сонининг муттасил такрорланиши натижасида ритм ҳосил қилувчи системани (тизимни) бармоқ вазни деймиз. Бўғинларнинг чўзиқ ва қисқалиги бир миқдорда келиб, муайян тартибда гуруҳланиб такрорланишидан аруз вазни ҳосил бўлади.

Ҳар бир санъат турининг ўз қоидалари бор. Мусиқачи тўғри чала олиши учун ўз мусиқа асбобининг ҳамма хусусиятларини, нозикликларини яхши билиши зарур, ҳофиз узоқ вақт шуғулланиб, ўз “овозини тарбиялаши” лозим. Худди шунингдек шоир ҳам тил бойликларидан тўғри ва тўлиқ фойдалана олиши учун маълум билимга эга бўлиши керак. Таржимон эса аслият тилни ҳам, ўгираётган тилни ҳам мукамал билиши, таржима қоида қонунларини яхши ўзлаштириши, таржимасини таҳлил этиб, хулоса чиқара олиши лозим.

Таржимон олдида турган энг долзарб вазифа аслиятдаги оҳангдорликни, мусиқийликни қайта яратиш ва аслиятдаги таъсир кучини таржимага кўчиришдир. Қўлингиздаги ўқув-услубий қўлланмамиз ана шу мақсадга эришиш йўлларини, воситаларини ўрганишни ва ўргатишни назарда тутади.

Таржимон нафақат тилнинг грамматик, лексик ва стилистик хусусиятларини, балки шу тилнинг функционал стилистикасини, яъни услубларини ҳам ўрганиши лозим. Функционал стилистика ифодавий фонетикани ҳам қамраб олади. Тилнинг фонетик услубларига қизиқишга сабаб тилнинг лингвистик хусусиятларини ўрганишга қаратилган назарий қарашлардир.

Бу ҳақда А.М.Антипова ўзининг “Ритмическая система английской речи” номли китобида ёзган².

Мазкур муаммо ҳозирги замон тилшунослиги соҳасидаги энг долзарб ва мураккаб муаммолардан бирига айланганлигини ҳисобга олган ҳолда, тилнинг метрик ва эвроник элементларини ўрганиш ҳамда уларни таржимада бериш қонун - қоидаларини аниқлаш, усул ва йўлларини белгилаш ниҳоятда муҳимдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш асос қилиб олинди:

1. Инглиз шеърини тили ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
2. Инглиз тилидаги ритмик, метрик ва эвроник ҳодисаларнинг моҳиятини ўрганиш;

¹ Adventures in English Literature. –New York.: Copyright, the Trick Collection. –1985-1990. p990

² А.М.Антипова «Ритмическая система английской речи». М.: Высшая школа – 1984. с 74.

3. Таржимада ритмни, оҳангни, яъни эвроник элементларнинг қайта яратиш воситаларини аниқлаш;
4. Фонетик ва лексик услубий воситаларнинг муайян бир асар матнида бажарадиган вазифаларни белгилаш;

Бу вазифаларни амалга оширишда биз қуйидаги назарий ғояларга таяндик:

1. Ритм шеърий нутқнинг асосий белгиларидан ҳисобланади. Ритм – системадир.
2. Шеъриятда ритм, вазн, қофия, банд, урғу, сукут, мусиқийлик, товушлар такрори муҳим вазифани ўтайди.
3. Шеърда ритм ҳам, мусиқа ҳам образдир.

4. Шеърий таржимада ижодкор асарнинг ташқи кўринишини, нутқ товушларини, уларнинг акустик хусусиятларини, пауза, оханг, товушларнинг тартибли бирикувини идрок этмиши ва уларни қайта яратиши лозим.

5. Шеъриятни бир тилдан иккинчисига ўгиришда вазн ўзгаради.

Қўйилаётган масалани ҳал этишда, далиллашда мант таҳлил, қиёсий таҳлил, трансформация методларидан фойдаланилди.

Ўқув-услубий қўлланма шеърият таржимасига янгича ёндошиш, яъни таржима номуқобиллик (когнитив диссонанс) шароитда олиб боришини, уни бартараф этиш йўллариини ўрганишни ҳам эътиборга олган. Қўлланмада баён этилган фикр ва далилларни таҳлил этиш учун инглиз ва америка шеъриятдан намуналар олинган ва уларнинг таржималари ёнма-ён берилган, шунингдек шарқ шеъриятдан намуналар келтирилиб таржималари берилган ва шеър таҳлилининг янгича намунаси илова қилинган.

I БОБ. ПОЭТИК МАТН ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

1.1 Инглиз шеърятининг жанрлари

Назмда асосан икки тур бор. Булар: лирик ва сюжетли шеър. Сюжетли шеърлар (narrative poems) ходиса ва воқеаларга урғу берса, лирик шеърлар (lyrics) оҳангга урғу беради.

Ҳар бир тур ўз ичига бир неча шаклдаги назмий асарларни қамрайди. Баён шаклида ёзилган назмий асарларга эпик асарлар, романс ва балладалар киради. Лирик шеърларга элегиялар, эпитафлар, сонетлар, сестиналар, ода ва бошқалар мансубдир.

Сюжетли шеърлар

Улар орасида эпик асарлар алоҳида ўринни эгаллайди. Эпик сўзи грекча “eros” сўзидан олинган бўлиб, бу сўз ҳикоя маъносини англатади. Эпик асарларга балладалар, поэмалар, романслар, эпопеялар киради.

Эпопея¹ сўзи грекча “epoiaa” сўзидан олинган бўлиб, эпик хусусиятга эга бўлган катта бир асарга нисбатан қўлланади. Масалан, Гомернинг “Одессея” си, Л.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” асари. Шунингдек эпик асарлар шеър шаклида бўлиб, қахрамонона юришларни, ғалабаларни тасвирлайди.

Баллада² сўзи французча “ballade” сўзидан олинган бўлиб, лиро-эпик шеър ҳисобланади ва қисса шеър шаклида ёзилади. Масалан, Ҳ. Олимжоннинг “Жангчи Турсун” балладаси.

Поэма³ сўзи грекча “poema” сўзидан олинган бўлиб, повест ёки ҳикоянинг шеър шаклида ёзилишидир. Масалан, Байроннинг “Паризана” поэмаси.

Балладалар халқ оғзаки ижодига тақлид қилиб ёзилади. Балладаларни куйга солса бўлади. Романсларда асосан саргузаштлар баёни алоҳида ўринни эгаллайди. Бунда афсонавий ҳодисалар ҳикоя қилинади.

Лирик шеърлар

Бадиий асарлар туркумига кирган балладалар кўпича ҳикоя ва кўшиқ тарзида ёзилади. Балладани куйлаб айтса ҳам бўлади, аммо унда ҳикоя, воқелик ҳолати устун бўлади. Лирик асарлар одатда қисқа ва оҳангдор бўлади, улар ҳис-ҳаяжонни ифодалайди. Лирик шеърларнинг оҳангига ёқимлилиқ ва жарангдорлик хосдир. Лирик шеърларга эпитаграммалар, элегиялар, ода ва сонетлар киради.

Лирик⁴ сўзи грекча “lyrikos” сўзидан олинган бўлиб, инсон ҳис-туғусини, уларнинг руҳий ҳолатини шеърини тасвирлаш демакдир.

Эпитаграм⁵ сўзи грекча “epigramme” сўзидан олинган бўлиб, қадимги греклар уларни қабр тошларига ёзишган. Ҳозирги вақтда у фраза “цитата” маъносини англатади. У, асосан, маълум бир асар учун сўз боши вазифасини ўтай олади.

Ода⁶ сўзи грекча “ode” сўзидан олинган бўлиб, ҳозирги вақтда кўтаринки руҳда ёзилган шеърни англатади. Бундай шеър асосан бирор бир тантанавий учрашувларда бирор бир шахсни мақташ, улуғлаш учун ёзилади.

¹ Словарь иностранных слов. Изд. «Советская Энциклопедия». М.: 1964. с 763.

² Кўрс. манба с 91.

³ Кўрс. манба с 515.

⁴ Кўрс. манба с 368.

⁵ Кўрс. манба с 761.

⁶ Кўрс. манба с 449.

Сонет¹ сўзи французча “sonnet” сўзидан олинган бўлиб, 14 мисрадан иборат шеърни билдиради. 15 сонетдан иборат бўлган асар “сонетлар гулчамбари” дейилади. Ўзбек тилида ҳам воқеани ҳикоя тарзида баён қилувчи шеърини асар – поэма мавжуд. Поэма бу - сюжетли шеърини асар, шеърини қисса. Масалан Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон ” поэмаси. Қисса сюжетининг мураккаблиги жиҳатидан романдан кўра соддароқ асар повест дейилади. Шундай қилиб лирик шеър - назмнинг ҳис-туйғуни, кечинмаларни тўлқинли ва жўшқин суратда ифодаловчи бир туридир.

1.2 Инглиз шеърининг шаклланиши ва таракқиёти

Асосан англиз шеърини тизими XVI асрда мукаммаллашди. Инглиз шеърини тизимига асос солишда англиз саксон шеърини, тўғрироғи Беовульф ҳақида поэма (Beowulf) асари муҳим роль ўйнаган. Бу асар IX асрда ёзилган бўлиб, шеър икки мисрадан ташкил топган бандларга бўлиниб, ҳар бир мисра иккита асосий ритмик урғу олган сўзлардан иборат бўлган. Бандлар орасидаги боғланиш аллитерацияга асосланган. Норманларнинг Англияни босиб олишидан сўнг XI асрда аллитерацияга асосланган шеърини аста-секин лотин ва француз шеъринидаги каби метрик тизимга ўта бошлаган. Метрик тизим асосан қофияга ва бўғинлар сонига асосланган. Шундай қилиб аллитерацияга асосланган шеърини тизим ўрнига силлабо-тоник **вазнга** асосланган, қофиялашган шеърини тизим пайдо бўлган. Инглиз шоири Джеффри Чосер (Geoffrey Chaucer, 1340- 1400) англиз назмига строфа (stanza) ни олиб кирган ва метрик ўлчовни тартибга келтирган. Бунга унинг “Кентерберий ҳикоялари”дан (Canterbury Tales, 1390-1400) олинган мисралар мисол бўла олади.

*A Clerk there was of Oxenford also,
That unto logyk hadde longe y-go.*

Строфа² грекча “strophe” сўзидан олинган бўлиб, «олиниш», «қайтиш» каби маъноларни англатади. Шеъринида икки ва ундан ортиқ сатрларни оҳанг ва қофия билан бирлаштирувчи “sang” сўзини билдиради. Чосер киритган янгиликлардан яна бири “ававвес” қофия тизимига асосланган шаклни яратиши бўлди. У яна шеъринида “ямб ва хорей” вазнининг тартиб билан алмашилиб келиш ҳодисасини йўлга қўйди. Бу вазндан англиз шоирлари Байрон, Шелли ва Китслар унумли фойдаланганлар. Генрих VIII нинг сўнги подшолик йилларида итальян шеърини тақлид қилиш натижасида сонет жанрида ижод қилиш анъанаси вужудга келди. Машҳур англиз шоирлари Уайетт, Серрей сонет ёзишда янги бир шакл яратдилар. Шундай қилиб, англиз тилининг ўзига хос сонет тури вужудга келди. Шекспир ўз сонетларини янги хил қофияланиш усулида ёзди: (ab ab cd cd ef ef gg) Италияча сонет эса, abba abba cde ded ёки ede ede шаклида қофияланар эди. 14 мисрадан иборат бўлган сонет 2 та катрендан (тўртлик банд) ва 2 та терцетдан (учлик банд) иборат эди. Аммо шу билан сонет ёзишдаги изланишлар тўхтаб қолмади. Шоир Мильтон сонет жанрида ижод этди. Шундан сўнг то Уйғониш давригача сонетга эътибор

¹ Словарь иностранных слов. Изд. «Советская Энциклопедия». М.: 1964. с 603.

² Кўрс. манба с 618.

камайди. Кейинчалик итальян шеърятидан Уайетт яна терцинани қабул қилди.

“Terza rima” бу шеърнинг учликларга (трёхстишная) бўлиниши асосида ёзилишидир. Қофияланиш усули: aba bcb ede ded. Дантенинг “Илоҳий комедия” асари терцинада ёзилган. Серрей эса “ottava rima” шаклидаги қофияланиш усулини қўллаган. Бунда 8 мисрадан иборат шеър ямб вазнида ёзилган. Байроннинг “Дон Жуан ” асари октава қофияси асосида ёзилган Серрей шунингдек оқ шеър (blank verse)га ҳам асос солган. Шоирлар Марло, Шекспир, Уэбестерлар ушбу жанрда ижод этишган. Одага эътибор берган шоир Эдмунд Спенсирдир. Ода 9 та мисрадан иборат бўлиб, 8 таси 5 стопадан иборат ямб вазнидан иборат бўлган, энг сўнгиси эса 6 стопадан иборат бўлган ямбдан ташкил топган.

XVIII асрга келиб инглиз шеърятти тизими мукамаллашди, қолипга кирди. Инглиз шеърятининг ўзига хос томони шундаки, шеърдаги сўзларнинг ўртача узунлиги бир ёки икки бўғинни ташкил этади. Бир бўғиндан иборат тўла маъноли сўзларнинг миқдоран кўплиги сабабли силлабо - тоник вазнда шеър ёзиш усули қўл келади. Силлабо - тоник вазн урғулар сони ва бўғинлар сони асосида тузилади. Уйғониш даврида лирика билан мусиқа бир-бирига қўшилиб кетар эди. Секин-аста куйлашга мўлжалланмаган шеърлар пайдо бўла бошлади. Инглиз шеърятти тизимининг ривожига шоир Мильтоннинг ижоди сезиларли даражада таъсир кўрсатди. У оқ шеър шаклида ижод этди. XVII аср охирларига келиб насрий асарлар назм билан рақобатлаша бошлади.

Сентаментализм¹ сўзи французча “sentimentalism” сўзидан олинган бўлиб, “чуство” (ҳис этиш) маъносини беради. Ушбу ном билан аталган бадий оқим XVIII аср охири XIX аср бошларида Англияда пайдо бўлган, кейинчалик Европа давлатларига тарқалган. Бу оқим классицизм оқимига қарши бўлиб, бу йўналишдаги назм ҳис-ҳаяжонга тўла, йиғлоқи ва нозик бўлган.

Элегия² сўзи грекча “elegia” сўзидан олинган бўлиб, “шикоят”, “нолиш” деган маънони англатади. Бу жанрдаги шеърлар тушкун руҳни ифодалайди. Масалан Роберт Бёрнснинг “Oh! Open the door to me” шеъри.

Классицизм³ сўзи лотинча “claassicus” яъни “биринчи даражали” деган маънони англатади. Бу йўналишдаги оқим Фарбий Европада XVII-XVIII асрларда, Россияда эса XVIII аср охири ва XIX аср бошларида пайдо бўлган ва у ўзининг антик даврини, антик санъатни улуғлаши билан характерланган.

Роберт Бёрнс Уйғониш даврининг сўнгги ва романтизм даврининг биринчи шоири десак бўлади. У асосан қўшиқ шаклида ёзилган балладаларга мурожат этган. У элегиялар, философик шеърлар, сентаментализм ва классицизм йўналишларида асарлар яратган ва баъзи қўшиқларини шотланд диалектида ёзган, масалан “Auld Lang Syne”.

Романтизм⁴ сўзи французча “romantisme” сўзидан олинган, XIX аср бошларидаги Европа адабиётидаги оқим бўлиб, унга кўра, муаллиф шеърларида

¹ Словарь иностранных слов. Изд. «Советская Энциклопедия». М.: 1964. с 584.

² Кўрс. манба с 749.

³ Кўрс. манба с 300.

⁴ Кўрс. манба с 568.

Ўзининг жамиятга, табиатга, умуман ҳаётга нисбатан бўлган қарашларини, руҳий кечинмаларини баён этади. Романтика сўзи романтизм каби “орзу қилмоқ”, ”истамоқ” маъноларини англатади. Мисол:

Journal in cephalonia.

The dead have been awakened-shell I sleep?
The world's at war with tyants-shall I crouch?
The harvest's ripe –and shall I pause to reap?
I slumber not, the thorn is in my Couch;
Each day a trumpet soundth in mine ear,
Its echo in my heart.

(George Gordon Noel Byron (1788-1824)).

Таржимаси:

Тирилганда ўлик ҳам, мени боссинми ғафлат?
Золимга қарши замон, менда йўқми шижоат?
Ҳосил етилиб бўлган, мен қолайми ғўр бўлиб?
Мижжа қоқмасдан асло, тўшак ёнар ўт бўлиб;
Қулоқларда замонамнинг нидоси,
Дилда эса унинг акси садоси.

(Д.Султанова таржимаси)

Романтизм даврида шеърят турли-туман жанрларга, метрларга ва товушлар бирикуви тизимига бой бўлди. Масалан, шоир Шеллининг қўшиқ шаклидаги марши (Song to the Men of England), философик руҳдаги одалари (Ode to the West Wind). У ички қофияга ва аллитерацияга асосланган шеърлар ёзди (Масалан, The Claud). Шоир Киплинг классик вазн бўлган силлабо - тоник билан бирга тоник шаклидаги шеърлар ёзди. Бу билан у назмни оддий оғзаки нутққа яқинлаштирди.

For to admire, and for to see,
For to he' old this world so wide –
It never done no good to me .
But I can't drop it if I tried.

(Richard Kipling (1865-1936)) “For to Admire”.

II БОБ. ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИНИНГ РИТМИК ТИЗИМИ, ТАЛАФФУЗИ ВА УНИНГ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ

2.1 Ритм ва уни таҳлил этиш усуллари

“Rhythm. The arrangement of stressed and unstressed syllables into a pattern. Rhythm often gives a poem a distinct musical quality. Poets also use rhythm to add meaning¹”.

Шеърий асарларнинг ритмик қурилиши тамойиллари турли-туман бўлиб, улар ҳар хил халқ ва адабиётларда ўзига хос кўринишларга эга. Муайян миллат ёки халқ тили фонетик хусусиятлари унинг шеъриятидаги ритмик ўзига хосликни келтириб чиқаради. Бироқ шеърий нутқнинг янги эрадан бир неча аср аввал юзага келган ритмик асосдаги қурилиши хусусияти барча халқлар учун ягона ва ўзгармас бўлиб қолмоқда. Ритмик асос сифатида нутқнинг ўзаро мувофиқ ритмик бўлакларга, яъни шеърий мисраларга бўлиниши қабул қилинган. Шеърий нутқда қандай йўл билан мисраларнинг ритмик асосга айланишидаги мувофиқликка эришилади? Бундай мувофиқликка шеър ўқиш пайтидаги нафас олиш ва нафас чиқариш натижасида юзага келадиган ритмик бўлақлар, яъни бўғинлар воситасида эришилади. Лекин бўғинларнинг, ҳижолярнинг ёлғиз ўзи ритмик бирлик бўла олмайди. Улар фақат шеърнинг ритмик қурилиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ритмдан фойдаланиш йўллари эса турли давр ва турли халқлар адабиётида ҳар хилдир.

Қадимги даврдаёқ шеър яратиш принциплари назарий жиҳатдан асосланган ва метрик шеър тузилиши деб аталувчи тизим шаклланган эди. Антик давр шеъриятида асосий ритмик унсур сифатида стопа –туроқ иштирок этган. Сатрда бир хил тартибда такрорланиб, ички ритмни юзага келтирувчи узун ва қисқа бўғинлар бирикмаси стопа деб номланган. Қадимги шеър тузилишида стопанинг ўттиздан ортиқ тури мавжуд бўлган. Улар орасида ямб, хорей, дактил, анапест каби турлар кейинчалик кўплаб халқлар, хусусан инглиз шеър тузилиши ривожига катта аҳамиятга эга бўлди.

Антик шеъриятда ҳар бир сатрдаги стопаларнинг таркиби ва миқдорига кўра турли - туман метрлар ёки шеърий ўлчовлар - вазнлар юзага келган. Метрик шеър тузилиши ҳақида фикр юритганда унинг мусиқа билан узвий алоқада бўлганлигини, унда нутқий ва мусиқий ифодавийлик ўзаро чатишиб кетганлигини унутмаслик керак.

Кўпчилик Фарб мамлакатлари, хусусан, рус адабиётида XVIII аср ўрталарига қадар силлабик вазнда шеър ёзиш етакчилик қилар эди. “Силлабо” сўзи “бўғин” маъносини англатади. Урғу кўпинча сўзларнинг муайян бир бўғинига тушадиган тиллар шеърияти учун бу принцип анча мувофиқ эди. Ўзбек тилида ҳам урғу кўпинча сўзнинг охириги бўғинига тушади. Шунга мувофиқ тарзда ўзбек шеъриятида аруз ва бармоқ сингари силлабик вазнлар ҳукумронлик қилади. Эркин урғули, яъни урғу сўзнинг турли бўғинларига тушадиган тиллар, хусусан, инглиз тилида яратилган шеърлар учун силлабик вазн у қадар мувофиқ эмасди, чунки бу вазн чинакам ритмик оҳангдорликни, мутаносибликни вужудга келтира олмас эди. Натижада силлаба - тоник вазн дунёга келди.

¹ Adventures in English Literature. –New York.: Copyright, the Trick Collection. –1985-1990. P 994.

Силлаба – тоник ритм системаси бўлиб, бўғинли ва урғули вазн ҳисобланади. Бу вазн урғули ва урғусиз бўғинларнинг муайян тартибда ўзаро алмашилиб келишига асосланади.

Масалан америкалик шоир Роберт Фростнинг “Stopping on Woods on a Snowy Evening” шеърида урғули (ˊ) ва урғусиз (˘) бўғинларнинг алмашилиб келишини кўрамыз.

*Thē woóds/ aře love/ bÿ darċ/ ańd deép,
Bÿt Í/ hāve prómĭsēs/ tō keép .
Ańd míles/ tō gó/ bēforé / Í sléep.
Ańd míles/ tō gó/ bēforé / Í stéep.*

Ритмнинг гапдаги вазифаси. Мазмун, ғоя ва ҳис ҳаяжонни ифода этишда шоирлар одатда ритмдан унумли фойдаландилар. Ритм ва вазн ҳақида инглиз тилшунослари шундай дейишган: “If rhythm is the pulse or beat we hear in the line, than we can define meter as the measure or patterned count of a poetic line”¹.

Meter (вазн) сатрдаги урғулар сони билан белгиланади. Тоник вазнда урғули бўғинлар муайян тартибда такрорланиб, шеърий ритмни юзага келтиришади. Унинг айрим хусусиятлари силлабо-тоник вазнда сақланиб қолинади. Силлаба-тоник вазн учун урғули ва урғусиз бўғинларнинг муайян тартибда такрорланиши асос қилиб олинади.

Ўзбек шеъриятида, асосан уч хил вазн, яъни аруз, бармоқ ва эркин вазнлар мавжуд бўлса, инглиз шеъриятида ямб, анапест, дактил ва трохейик каби стопалар (feet) мавжуд. Ямб вазнида урғусиз ва урғули бўғинлар муайян тартибда такрорланиб келади.

Мисол.

Tō bé/ őr nóť/ tō bé/ thāt ís thé qúes/tiǒn.

(«Hamlet» by Shakespare).

Юқоридаги мисра 5 стопа ва 1та урғусиз бўғиндан иборат. Қуйидаги сўзлар ямб стопасига мисол бўлиб кела олади (pře/vént, cǒn/ táin).

Ямб (jambic) вазндан фарқ қилган ҳолда трохейик (trochaic) вазни урғули ва урғусиз бўғинларнинг муайян тартибда такрорланиб келиши асосида юзага келади.

Мисол.

líq/ǔar (ˊ ˘)

bet/ter (ˊ ˘)

Анапест (anapestic) ва дактил (dactylic) стопалар уч бўғиндан иборат бўлади. Анапест иккита урғусиз ва битта урғули бўғиннинг муайян тартибда такрорланиб келиши асосида ясалади.

Масалан:

ǎ/nǎ/réct (˘˘ˊ).

Дактил битта урғули ва иккита урғусиз бўғинларнинг муайян тартибда такрорланиб келиши асосида ясалади.

Масалан.

¹ The Adventures in English literature. – New York: Copyright, the trick collection. – 1985. h. p. 1015

Dán/gě/roüs (' ~ ~)

Cheér/fül/lÿ (' ~ ~)

Ямб ва анапест пасаювчи оҳанг билан ўқилса, хорейик ва дактил вазни кўтарилувчи оҳанг билан ўқилади.

Америкалик шоир Роберт Фрост шеърлари асосан ямб вазнида ёзилган. Аммо Фрост жонли сўзлашувга яқинлашиш мақсадида, бир хилдаги такрордан кечиб, баъзан 2 та урғули бўғинларни ҳам ишлатган.

Масалан (kńick- kńock)

Бундай ҳолат инглиз тилида “spondee” дейилади. Баъзан эса, иккита урғусиз буғин кетма-кет ишлатилган. Бу ҳолат инглиз тилида “pyrric”(of the) деб аталади.

Роберт Фростнинг “Stopping with Woods on a Snowy Evening” шеъри 8та бўғиндан яъни “octosyllabic” метрдан иборат.

Ритм ҳодисасининг моҳияти ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Айрим олимлар бу ҳодисани лингвистик эмас, балки физиологик, биологик, психологик ҳодиса дейишса, бошқалари эса уни лисоний мақомдаги ҳолат сифатида талқин қиладилар.

Ритмнинг нутқдаги вазифаси тилшунос олим К. К. Баришников томонидан анча батафсил таҳлил қилинган. У ритмнинг икки вазифасини, статистик ва динамик вазифаларини таъкидлайди. Биринчисида бу кўп йиллар давомида ишлатилиб келинган, айнан шу тилга мансуб бўлган муайян такрорланиб келиш ҳолатида назарда тутилса, иккинчи вазифа мулоқот шароитида намоён бўлади.

2.2 Ритмнинг тизимли белгилари

Ритм иерархик тизимга эга бўлиб, у турли хил бирликлардан ва уларнинг поғонали муносабатларидан иборат. Ритмик гуруҳ одатда урғули бўғин ва унга эргашиб келган урғусиз бўғиндан тузилади. Ритмик гуруҳнинг оддий кўринишида 1та урғули ва 1та урғусиз бўғин бирикуви ҳосил бўлади. Шунингдек, у мураккаб, яъни 2, 3 ва ундан ортиқ урғули бўғиндан ва уларга эргашган урғусиз бўғинлардан иборат бўлиши мумкин.

Инглиз тилида ритмик гуруҳ ритмнинг негизини ташкил қилади. Аммо инглиз тилида ритм анча аниқ ва сезиларли бўлиб, урғусиз буғинлар урғули буғинларга кўшиб ўқилади. Бу ҳолат мусикий оҳангни яратишда, пасаювчи оҳангни яратишда қўл келади. Инглиз тилида сўзлашув жараёнида, шеър ўқишда, мусикий оҳанг яратишда биринчи урғули бўғиннинг ўқилишига аҳамият бериш лозим. У баланд товуш билан ўқилмаслиги, текис ёки бироз кўтарилувчи оҳангда айтилиши лозим.

Инглиз шеърляти тилини ўрганишда, ритмик гуруҳларни, уларнинг оҳангини, урғули бўғинларни ажратиб ўқилишини ҳисобга олиш муҳим. Бунда шеър кўпинча пасаювчи оҳангда ўқилади. Шеърни, жумлани ўқишда ритм билан бирга темп (тезлик) га ҳам эътибор бериш лозим. Масалан.

I read a 'book.

I read a good 'book.

I read a very good 'book.

Олдин битта сўз, сўнг иккита сўз ва кейинчалик учта ва тўртта сўздан иборат ритмик гуруҳлардан иборат жумлаларни ўқишдан ишни бошлаш керак.

a 'book.
a 'good 'book.
a very 'good 'book.
a very good 'English 'book.

Олдин жумлалар секин ўқилади, сўнг ўқиш тезлиги оширилади. Бошланғич босқичда ритм қалам билан столга уриш, қўл билан чертиш ёки оёқ билан ерга уриш билан кўрсатилади.

Ритмга риоя қилиб ўқишга ўргатишда шеърый матн қўл келади. Болалар учун ёзилган қуйидаги шеърни оламиз .

*The sun has set,
And now a new ____
With fallen dew
The grass is wet ____
Each little bird
Has sunk to rest. ____
Within its nest
No song is heard.*

Шеър икки стопадан иборат бўлган вазнда ёзилган, саккиз мисрадан иборат. Шеър сокин, пасаяувчи оҳангда ўқилади ва бунда шеър икки мисрадан иборат бўлақларга бўлингандек туюлади. Ритмик гуруҳларда унли товушларнинг чўзиқлиги ҳар хил. Бу ҳол образ яратишда қўл келади.

Мисралар.
The sun has set
And now a new ____
With fallen dew
The grass is wet ____

Унлилар.
қисқа
чўзиқ
чўзиқ
қисқа

Унлиларнинг бундай жойлашиши мисраларнинг қисқа ва чўзиқлигини таъминлайди, биринчи ва тўртинчи мисралар анча қисқа, иккинчи ва учинчи мисралар эса чўзиқроқ бўлади. Юқоридаги шеърнинг ритмикаси ритмик гуруҳларнинг, мисраларнинг икки ва тўрт мисрадан иборат банднинг тартиб билан такрорланиб келишига асосланган. Шеърни шу тарзда таҳлил этиш билан биз ритмнинг тизимлилик хусусиятига эга эканлигини аниқладик. Ҳақиқатдан ҳам шеър, насрга нисбатан ритмга бўйсунган бўлади.

Фикр далили учун яна бир шеър лимерик (ҳазил тариқасида ёзилган қисқа шеър)ни оламиз. Бундай шеърлар болалар учун ёзилганда, болалар уларда кулгини қистайдиган образларни кўради:

*There was an old man of khartoum
Who kept two black sheep in his room.
“They remind me ”, he said,
“Of two friends who are dead “,
But he never would tell us of whom.*

Лимерик 5 мисрадан иборат. Биринчи ва иккинчи мисралар 8 та бўғиндан иборат. Учинчи ва тўртинчи мисралар қисқароқ, яъни 6 та бўғиндан иборат, охирги мисра эса 8 та бўғиндан ташкил топган. Биринчи ва иккинчи мисралар бир-бири билан боғланган, чўзиқлиги бир хил, бир хил оҳангда, пасаювчи оҳангда ўқилади, бир-биридан қисқагина пауза билан ажратилади.

Учинчи ва тўртинчи мисралар бир-бири билан боғланган, улар иккинчи шеъринг бирликни ҳосил қилган. Бу ерда ўқиш тезлиги ошади, пасаювчи оҳанг билан ўқилади.

Охирги мисра кутилмаган ҳодиса ҳисобланади ва лимерикнинг асосини ташкил қилади. У тез ўқилади, паст оҳангда айтилади, аниқ талаффуз этилмайди. Шундай ўқилгандагина, шеърнинг прагматик мақсади амалга ошади, тингловчи ҳазил (юмор)ни қабул қилади. Шеърнинг маъносини очишда мисраларнинг ўлчами, темпи ва тембри катта ўрин эгаллайди. Чет тилини ўрганишда, чет тилида гапиришда ритмга аҳамият бериш, уни машқ қилиш талабга мувофиқ ҳисобланади. Ритмни ўзлаштиришда уни шеър тузилишининг алоҳида бир элементи сифатида эмас, балки уни шеър, нутқ жараёнини ташкил этувчи тизимда ўрганиш лозим.

2.3 Бир шеърнинг ритмик таҳлили

Ритмнинг хусусияти адабий матннинг ҳар бир тури учун алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, инглизча сонет (Шекспир сонети) 14 мисрадан иборат, унда 3та тўртлик ва якунловчи 2та мисра иштирок этади. (бундан фақат 66-сонет мустасно). Ҳар бир мисра 10та бўғиндан иборат бўлиб, 5стопли ямб вазнини ташкил қилади. Сонетларда оддий оҳанг устунлик қилади. Энг баланд нуқта одатда биринчи урғули бўғинда ҳисобланади.

Пасаювчи оҳангнинг қай даражада кўриниши, айтилиши, унинг сатрдаги ўрнига қараб белгиланади. Одатда сатр охиридаги урғули бўғин олдида пасаяувчи оҳанг ишлатилади. Агар сатр 2та синтагмадан иборат бўлса, биринчи синтагма (гапнинг маъноли бўлақларга бўлиниши) пасаяувчи оҳанг билан тез айтилади. Оҳанг, айниқса, сатрни кўчирилишида сезилади. Кўчирилиш биринчи сатрнинг охиридан бошланиб, иккинчи сатрнинг ўрталарида ёки охирида тугайди. Мисол

1. *7 A non permit the basis clouds/ to ride*
- 8 *With ugly rock/ on his selectia face (сонет 33)*
- 9 *Even so my son one early morn / did shine*
- 10 *With all-trumphant splendour on my brow. (сонет 33)*

Кўчирилиш сатрнинг ўртасида ёки бошида бўлиб, унинг охири навбатдаги сатрда жойлашади.

2. *9 I love to hear her speak/ yet well I know*

10 *That music/ hath a far more pleasing sound. (сонет 130)*

Кўчирилиш сатрнинг ўртасида бошланиб, навбатдаги сатрнинг охирида тугайди.

3. 1 *Unthrifty lonelines, / why dost thou spend*
2 *Upon theyself the beauty's ligaceye. (сонет 4)*

Кўчирилишнинг биринчи турида сатр охирида сукут сақланмайди, оҳанг чаққон ва кескин охирги урғули бўғинда кўтарилади. Синтагманинг иккинчи кўтарилган қисми анча секинроқ ўқилади. Сатрларнинг шу тарзда ўқилиши бандни бутун ҳолича сақлашга олиб келади. Кўчирилишнинг иккинчи турида сатр охири пасаювчи оҳангда ўқилиб, навбатдаги сатрда темпорал узилиш юзага келади. Учинчи тур кўчирилишда унинг охирида анча чўзиқ сукут сақланади, ундан олдинги сатрда пасаювчи оҳанг ишлатилади ва сатрлар тўқнашувида темпорал узилиш юз беради.

Ритм шеърий нутқнинг асосий белгиларидан биридир. Сатрда бир хил тартибда такрорланиб, ички ритмни юзага келтирувчи узун ва қисқа бўғинлар стопа деб аталади. Инглиз тили учун ямб, хорей, дактил ва анапест каби асосий стопалар ҳамда спонди ва перийик каби ёрдамчи стопалар хосдир.

Ҳар бир сатрдаги стопаларнинг таркиби ва микдорига кўра метрлар ва шеърий ўлчовлар вазнлар юзага келган.

Инглиз шеърияти тили учун силлабо - тоник вазн хослигини юқорида айтган эдик. Силлабо - тоник вазн урғули ва урғусиз бўғинларнинг муайян тартибда такрорланиши асосида юзага келади.

Метр деганда биз сатрдаги урғулар сонини англаймиз.

Инглиз шеъриятида сонетлар алоҳида ўринни эгаллайди.

Инглиз тилида ёзилган сонетлар Шекспир сонетлари, итальян тилида ёзилган сонетлар Петрарка сонетлари дейилади. Улар бир-бирдан фарқ қилади.

Муайян олинган бир насрий шеър “Враг и друг” ва унинг таржимаси

“Осужденный на вечное заточение узник вырвался из тюрьмы и стремительно пустился бежать.... За ним по пятам мчалась погоня.

Он бежал изо всех сил... Преследователи начали наступать.

Но вот перед ним река с крутыми берегами, узкая, но глубокая река... А он не умеет плавать!

С одного берега на другой перекинута тонкая, гнилая доска. Беглец уже занес на неё ногу ... Но случилось так, что тут же возле реки стояли : лучший его друг – самый жестокий его враг.

Враг ничего не сказал и только скрестил руку: Зато друг закричал во все горло;

- Помилуй! Что ты делаешь? – Опомнись безумец! Разве ты не видишь, что доска совсем сгнила? – Она сломится под твоей тяжестью – и ты неизбежно погибнешь!

- Но другой переправы нет... а погоню слышишь? – отчаянно простонал несчастный - и ступил на доску.

- Не допущу! ... Нет, не допущу, чтобы ты погибнул! – возопил ревностный друг и выхватил из – под ног беглеца доску. – Тут мгновенно бухнул в бурные волны – и утонул.

Враг засмеялся самодавольно – и пошел прочь; а друг присел на бережку – и начал громко плакать о своём бедном – бедном друге!

Обвинять самого себя в его гибели он однако не подумал... ни на миг.

“Не послушался меня! Не послушался” шептал он уныло.

- А впрочем!- промолвил он наконец. – Ведь он всю жизнь свою должен был томиться в ужасной тюрьме! По крайней мере он теперь не страдает! Теперь ему легче! Знать, уж такая ему выпала доля!

- А все - таки, жалко по – человечески!

И добрая душа продолжала неутешно рыдать о своём злополучном друге”.

Кўйидаги ушбу насрий шеърни инглиз тилига қилинган таржимасини таҳлил қиламиз. Таржимадан олдин асарнинг ритмик тузилишини белгилаб олиш лозим бўлади. Таржимон муаллифнинг нафасини, юрак уришини ҳис этиш лозим бўлди. Шундан кейингина сўз танлашга ўтиш мумкин.

Луғатдан “узник” сўзининг таржимасини ахтарамиз ва топамиз “prisoner”, кейин “вечное заточение” деган сўз бирикмасини ахтарамиз – imprisonment for life. Шунда таржима “A prisoner sentenced to imprisonment for life” деб ўтирилса, “prisoner” сўзининг такрорланиб келиши таржимани мужмал қилади. Шунда “imprisonment” сўзига синоним сўз ахтарамиз. Шундай сўз “confinement” бўлиб чиқади.

A prisoner sentenced to confinement for life ёки A prisoner sentenced to lifelong confinement one day escaped from his prison (ёки from his cell) and ran as fast as he could, his pursuers following his heels.

He ran with all his might and his pursuers began to fall behind (began to lose ground).

But there, in front of him, was a river with steep banks, a narrow but deep river...

And he could not swim. A thin rotten plank stretched from one bank to the other. The fugitive (албатта луғатга қараб the “prisoner – the breaker” деб таржима қилиш мақсадга мувофиқ эмас) had already put his foot out... But it happened that on the river bank stood both his best friend and his worst (bitterest) enemy.

The enemy said nothing, but only folded his arms; his friend however, shouted at the top of his voice: “Good heavens! (For pity’s sake!) (For goodness sake!) What are you doing? Come to your senses, madman! Don’t you see that the plank is completely rotten? It will break under your weight and you will surely perish!”

“But there is no other crossing... (But there is no other means of crossing...) And do you not hear the pursuers?” moaned the wretched man (the unhappy man) and stepped on to the plank.

“A won’t let you!... I won’t (can’t) let you perish! Shrieked the jealous friend, and tore the plank from under the feet of the fugitive. The latter instantly fell into the rushing water and was drowned.

The enemy laughed complacently and went away: but the friend sat down on the bank and began to weep bitterly for his poor, poor friend.

It never occurred to him (It never entered his head) however to blame himself for his friend's death – not for one moment.-

He would not listen to me! He would not listen! He whispered (muttered) gloomily.

- And yet. "he said at last", all his life he would have to languish in a terrible dungeon (prison). Now at least he now longer suffers. He is better off now! It is his fate! "still, humanely speaking, it grieves me. I pity him.

And the good soul went on weeping inconsolably for his ill – fated friend".

Энди инглиз шеъриятидан қилинган таржима таҳлилига ўтамиз.

Аслият.

Rememberence.

This ↓done. I 'saw it 'in my ↓dreams ;

No 'more with 'hope the fortune↓ beams;

My days of 'happiness are ↓few

'Chill'd by 'Misfortunes' '↑wintry blast,

My 'dawn of 'life is ↓overcast;

↑Love, ↑Hope and ↓Joy alike adeue

'Would I could add 'Rememberence↓ too

(Byron)

Ушбу романтик шеър 7 та сатрдан, 2та банддан иборат. Биринчи банд 3 мисрадан, иккинчи банд тўрт мисрадан тузилган. Биринчи банд 4 асосий сотопли ямб билан ёзилган. Ҳар бир мисра 8 бўғиндан иборат. Ҳар бир мисрада 4 та урғули бўғин бор. Фақат биринчи банднинг учинчи мисрасида 3 та урғули бўғин бўлиб тўртинчи сўз (| ~ ~) 1та урғули бўғин ва 2 та урғусиз бўғиндан иборат, бундай стопа дактил деб аталади. Иккинчи банд асосан харея стопаси билан ёзилган. Бунда иккинчи ва 3-мисралар мустасно. Биринчи мисра 2та мустақил жумладан иборат. Улар пасаювчи оҳанг билан ўқилади. Иккинчи мисра ҳам пасаювчи оҳанг билан, аммо биринчи мисрага нисбатан тезроқ ўқилади. Мисрадаги асосий маънони англатувчи сўз "hope" алоҳида чертиб ўқилади. Учинчи мисра ҳам пасаювчи оҳанг билан ўқилади.

Иккинчи бандаги биринчи мисра кўтарилувчи оҳанг билан, иккинчи мисра пасаювчи оҳанг билан ўқилади. Учинчи мисра уюшиқ бўлақлардан иборат бўлганлиги ва урғули бўлганлиги боис биринчи ва иккинчи сўзлар кўтарилувчи оҳанг ва мисра охиридаги сўзлар пасаювчи оҳанг билан ўқилади. Банднинг охирги мисраси ҳам пасаювчи оҳанг билан ўқилади.

Таржима:

Хотирот

Ҳаммаси тамом. Тушимда кўрдим.

Ортиқ порламас иқболим маним,
Санокли экан бахтли онларим.

Кулфатдан музлаб изғирар шамол,
Зулмат кўйнига беркинди тонгим.
Қолмади қувонч, севги ҳам, ҳайҳот!
Кошкийди кетса, ўчса хотирот!¹

Таржимада шакл, банд, мисралар сони, тузилиши қайта яратилган. Аммо бўғинлар сони ҳар мисрада 2 тага кўпайган. Ўзбек тили флектив тил бўлганлиги учун суффикслар, кўшимчалар кўшилган. Инглиз тилида юқоридаги шеър учун 44 та сўз ишлатилган бўлса, таржимада 28 та сўз ишлатилган. Инглизча шеърни ўқишга қанча вақт кетса, таржимани ўқишга ҳам шунча вақт кетади. Таржимада шоирнинг нафаси, руҳи, акс этган десак бўлади.

2.4 Таржимада вазн, ритм ва оҳангнинг қайта яратилиши

Ғ. Саломов қайд этганидек, “Таржимада бадиий асар оҳангини бериш барча адабий жанрларда ҳам муҳим. Алоҳида мақол ёки маталдан тортиб то сонет, ғазал, поэма, ҳикоя, романгача, агар ҳамоҳанглик таъминланган бўлмаса, у таржима сохта жаранглайди. Оҳанг эса ўз навбатида, бадиий асарнинг бошқа компонентлари, луғавий бирлик, синтаксис, инверсия, сажъ, радиф, қофия, вазн ва бошқалар билан боғланган ҳолда таржимада ё табиийлик ёки аксинча, сохтакорлик, сунъий контекст, ясама бадиий муҳит пайдо бўлишига олиб келади”².

Шарқ шеърини ва халқ оғзаки ижоди асарларининг моҳир таржимонлари шу хусусида гапириб, айниқса фольклор обидаларни ўгиришда ритмни тўғри акс эттириш ниҳоятда муҳим эканлигига эътиборни қаратдилар. Бадиий асар ҳар хил услубда, турлича маромда мунгли ёки қувноқ, кўтаринки ёки текис, рангдор ёки сидирға, мусиқий ёки вазмин ёзилган бўлиши мумкин. Агар таржима қилиш учун танланган асарнинг бундай белгилари аниқланмаган бўлса, унинг руҳига мос калит топиб бўлмайди. Таржимада мувофиқ услуб калитни топиш асарнинг ёзилиш услуби билан ғояси ҳамда муаллиф дунёқараши ўртасидаги боғланишни тўғри белгилаш, маром, оҳанг, синтактик тарз ва образлар силсиласига хос хусусиятларни тўғри талқин қила билишга боғлиқ. Бирор асарни таржима қилишда мақбул услуб калити топилмас экан, таржима асл нусхага эквивалентлик ҳолатида бўла олмайди. Услубий мослаштириш принципи таржиманинг умумий концепцияси билан узвий боғлиқ. Чунончи, таржима қандай бўлиши керак деган масалада барча таржимонлар ва назариячилар икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ таржима аслият асардек жаранглаши керак деб ҳисобласа, бошқалар таржима таржимадай бўлиши керак деб даъво қиладилар. Ҳар бир конкрет таржима, таржимоннинг таржимани қандай тушуниши маҳсулидир. Таржимон асарни ўз тилига ўгириш учун шаклий калит қидиришида даставвал шаклнинг мазмун функциясига асосланмоғи даркор. Шеърнинг овоз шакли билан унинг мазмуни чамбарчас боғланган. Шундай қилиб, агар биз шеърдаги мазмун ва шакл

¹ Султонова Д. таржимаси. Қўлланмадаги кўпчилик таржималар Д. Султонова томонидан амалга оширилган.

² Ғ. Саломов Таржима назарияси асослари, 1983. 69 б.

мутаносиблигига халал етказишни истамасак, деган фикрни изхор этади чех олими Иржи Левий, формал қолип (вазн) га қараб эмас, балки унинг конкрет товуш томонига (ритм), суръат (темп) ва бошқаларига мувофиқ иш кўрмоғимиз лозим.

Айни бир вазн турли тилларда бир биридан фарқ қиладиган тамомила бошқа функцияларни бажариши мумкин. Чунки ҳар бир тил ўзига хос оҳанг, таллафузига эга. Бундан ташқари, турли тилларда сўзлар узун ёки қисқалиги жаҳитидан ҳам фарқ қилади. Ш. Н. Шомухаммедов “Шоҳнома”нинг биринчи китобига ёзган сўз бошисида, таржима вақтида туғилган энг катта муаммо – вазн эканини қайд этади: “Шеърнинг вазнини акс эттириш – унинг куйи, мусиқаси, бинобарин кайфият ва туйғуларини акс эттириш демакдир”¹.

Кўпгина таржимонлар, айниқса, назариячилар асл нусханинг вазнини айнан сақлашни талаб қиладилар ёки шундай тамойилга кўра иш тутадилар. Илмий тил билан айтилганда эквиметрикавий ақида дастур қилиб олинади. Бироқ амалда бу маънодаги тўла “вазний мувофиқлик”ка эришиш амримаҳол. Чунки вазн халқ тили, адабий тил, унинг тарихан таркиб топган миллий – эстетик анъаналари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ҳодиса. Таржимада бу ҳол билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ. Вазни айнан сақлашга уриниш баъзан тилга зўравонлик қилишга олиб келади. Шу сабабли бир-биридан узоқ адабиётлардан таржима қилганда вазни айнан сақлаш эмас, ватан адабиётидан унга мувофиқ, яқин келадиган, ҳамоҳанг вазн турини топиб қўллашга уриниш мантиқан асослироқ кўринади. Бошқача айтганда, таржимада эквиметрик (вазний муқобиллик) эмас, балки эквиритмия (ритмик муқобиллик, оҳангдошлик) тамойили кўпроқ қўл келади. Шеърни таржима қилиш, уни бир вазн баҳридан ўзга вазн системасига ўтказиш, трансформация қилиш демак. Масалан арузда битилган ғазални инглиз тилига аруз билан, силлабо - тоник шеърни ўзбек тилига силлабо-тоник вазн билан беришнинг иложи йўқ. Арузда битилган ғазални инглиз тилига хижо вазни билан ўгириш мумкин.

Бу вазнга мурожаат қилинганда мисраларнинг ҳажм ўлчови сақланганлиги сабабли интонацион ритм, маъно ритми акс этиб, ихчамлик сақланади. Инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилганда силлабо-тоникликнинг (хижо урғу вазни) тоник хусусияти тушиб қолиб, силлабийлик хусусияти сақланади.

Мисол:

Īt ís / tĥe hoúr / whĕn fróm / tĥe † bóughs
Tĥe night / inġalĕs / hígh nóte / íš † héard
Īt ís / tĥe hoúr / whĕn lóvĕrs wóws
Seém swéet / ín éve / rŷ whiŝpĕrĕd word.
(Byron .” Twilight”)

Шеър 4 стопли ямб вазнида ёзилган ва ҳар бир мисра 8 бўғиндан иборат.
Таржима:

¹ Ф. Саломов, С. Комилов “Дўстлик кўприклари “-Т.: Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.- 1979., 32-б.

Шу дам боғда | булбул сайрар
Авжи келиб | шўх-шўх ↓ сайрар
Шу дам ошиқ | айлар висол
Ҳар сўзидан | томадир ↓ бол .

Шеър ҳар бири 4 бўғиндан иборат бўлган 2 та туроқ билан таржима қилинган. Ҳар бир мисра 8 бўғиндан иборат. Таржимада вазн ўзгарган, аммо ритмик муқобилликка, оҳангдошликка эришилган.

В. Шекспирнинг «Ҳамлет» номли монологи ўзбек тилига Мақсуд Шайхзода ва Жамол Камол томонидан ўгирилган. Мақсуд Шайхзода восита тил –рус тилидан ўгирган бўлса, Жамол Камол аслият тилдан ўгирган. «Ҳамлет» монологи яхлит шеърӣй матн бўлиб, 35 мисрадан иборат. У асосан беш ярим стопли ямб вазнида ёзилган. Қофияланиш айрим жойлардагина ишлатилган. Иккала таржимон ҳам бу шеърӣй матнни бармоқ вазни усулида таржима қилишган, чунки ямб вазни Шарқ шеърӣятига хос эмас. Таржималарни таҳлил қилиш мақсадида монологнинг олдинги тўрт мисрасини оламир:

To be, or not to be, that is the **question**:
Whether it is nobler in the mind to suffer
The slings and arrows of outrageous **Fortune**,
Or to take arms against a sea of troubles,
And by opposing end them:

Биринчи ва учинчи мисралар қофиялашган, Бандда 34 та сўз ишлатилган ва у 44 та бўғиндан иборат.

Рус тилидаги таржимаси:
Быть или не быть – таков вопрос;
Что благородней духом –покоряться
Пращам и стрелам яростной судьбы
Иль, ополчась на море смут, сразить их.

М.Шайхзода таржимаси:

Ўлайми ё қолайми? Ана масала,
Недур афзал: диловар чархи фалакнинг
Даккисига, забларига бардошлар **бермоқ**?
Ёки бало денгизини мардона кутиб
Тўлқинларни бир карра узиб **битирмоқ**.

М.Шайхзода рус тилидан таржима қилган бўлса ҳам, аслиятда ишлатилган қофияни ҳис эта олган ва таржимада қайта ярата олган.

Жамол Камол таржимаси:

Ё ҳаёт, ё мамот: масала **шундоқ**.
Жоизмикин ул жобиру жаббор фалакнинг
Жафосига ҳар дақиқа чидаса **юрак**?
Ё балолар денгизига кўндаланг бўлиб
Койишлару ташвишларга чек қўймоқ **керак**?

Жамол Камол таржимасида аслиятдаги интонацион ритм, маъно ритми акс этиб, ихчамлик сақланган.

Поэтик нутқни ўргатишда ритмни сезиш, жумлаларни ритмик гуруҳларга бўлиш, ўқиш темпига ва оҳангига риоя қилиш лозимлигин уқтириш керак.

Болалар учун ёзилган кўйидаги шеърни таҳлил қиламиз:

Rain on the Green Grass,
Rain on the tree.
Rain on the house-top,
But not on me.

Шеър икки ритмик гуруҳга бўлиниб ўқилади, биринчи гуруҳ секинроқ, иккинчиси эса тезроқ.

Rain on the Green Grass, Rain on the tree.—Rather slowly.
Rain on the house-top, But not on me. —Quicker.

Кўринадики, ритмни беришда сўз танлаш, сўз танлашда эса товушларнинг тартибига, унлиларнинг чўзиқ ва қисқалигига, матнга мос тилига таржима қилишда вазн ўзгаради. Анъанавий инглиз стопалари (ямб, хорей, дактил, анапсет) ўрнига ҳижо, туроқ вазни қўлланилади. Таржимада аслият шакли, яъни мисралар сони, бандлар сони қайтадан яратилади. Мисрадаги буғинлар сони таржимада сақланиши ёки бироз ўзгариши мумкин.

III БОБ. ЭВРОНИК ЭЛЕМЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРЖИМА БЕРИЛИШИ

3.1 Эвроник элементлар ифодавий фонетиканинг ўрганиш объектидир

Фонетик услубий воситалар нутқнинг оғзаки шаклида образларни нутқ орқали ифода этишга хизмат қилади. Фонетик услубий воситалар тингловчини ҳис-ҳаяжонга солиш, уларга таъсир ўтказиш вазифасини бажаради. Фонетик услубий воситаларга «инструментовка» ва шеър ёзиш қоида-қонунлари киради. «Инструментовка» бир неча шаклда намоён бўлади. Булардан эвроник (хушоҳанглик), ономотапия (товушга тақлид), аллитерация (ундош товушларнинг такрорланиши), ассонанс (унли товушларнинг такрорланиши) энг кўп ишлатиладиган шакллардир. Инструментовка нутқни, унинг мазмунини, ғоясини бўрттириб беришда нутқни жарангдор қилишга хизмат қилади. Эвроник грекча сўз “euphony”дан олинган бўлиб, “phone” товуш деган маънони англатади. Матннинг мазмуни, ғоясини ифода қилишда, маълум бир товушлар танланади, бу товушлар тингловчи руҳиятига таъсир қилиб, баъзан ғам-хасратни ҳис қилишга мажбур этса, баъзан уларга қувонч бахш этади. Шундай қилиб, эвроник восита фақат хушоҳангликни билдирмай, балки мазмунни ифода этишда ҳам хизмат қилади.

Масалан, инглиз шоири Жорж Гордон Байроннинг «Паризана» (“Parisine”) поэмасидан парчани оламиз:

*It is the hour when from the boughs
The nightingale's high note is heard;
It is the hour when lover's vows
Seem sweet in every whisper'd word,
And gentle winds, and waters near,
Make music to the lonely ear.
Each flower the dews have lightly wet,
And in the sky the stars are met,
And on the wave is deeper blue,
And on the leaf a browner hue,
And in the heaven that clear obscure,
So softly dark, and darkly pure
Which follows the decline of day
As twilight melts beneath the moon away.
(Byron)*

Бу шеърый парчада унлилар, айниқса чўзиқ унлилар ва дифтонглар кўп ишлатилган. Шунингдек, лаб-лаб товуши [w], сонор товушлар [m] [n], ён сонор товуш [l] тез-тез такрорланган. Ушбу парчада Байрон турли хил фонетик воситаларни ишлатиб, табиатдаги муҳитни, яъни кечки пайтни, енгил шабада эсиб турган сокин, ёқимли ҳолатни ва уни инсонга таъсир этувчи хислатини ифодалайди. [S] товуши бошқа юмшоқ, силлиқ товушлар бирикувида “шивирлаш” ҳолатини яратади: seem sweet in every whisper'd word.

Яна мисол қилиб, Браунингнинг “The Pied Piper of Hamelin” поэмасидан парчани оламиз. Бу парчада каламушларнинг шаҳарни шоша-пиша тарк этишлари тасвирланган.

*And the muttering grew to a grumbling
And the grumbling grew to a mighty rumbling,
And out of the house the rats came tumbling,
Great rats, small rats, lean rats, brown rats,
Brown rats, black rats, gray rats, tawny rats ...
(Browning)*

Олдинги уч мисрада [gr], [br] ва титровчи товуш, сонор товуш [r] нинг такрорланиб келиши шовқин – суронни ифода этишда хизмат қилган. Тўртинчи ва бешинчи мисраларда “rats” сўзининг 9 марта такрорланиши, каламушларнинг саросимада қолишганларини ифодалайди.

Товушларнинг юқорида кўрсатилган шаклда танланиши тингловчини маълум бир ҳис – ҳаяжонга солишга хизмат қилади. Шу билан бу товушлар иш–ҳаракатнинг қандай бажарилишини, ҳолатнинг қандай тусда бўлишини, у секин-аста, силлиқ бўлиб ўтаяптими, ёки тез, шоша-пиша, кескин ҳолатда кечаётганини билдириш учун ҳам ишлатилади. Аммо баъзан нутқ инструментавкаси (тузилиши) нафақат ҳис–ҳаяжонга солувчи товушлар тимсолини билдиради, балким улар товушга тақлидни ҳам билдиради. Масалан, как-ку, как-ку товушлари “кукушка” сўзига тақлид қилиб олинган.

3.2 Эвроник элемент-аллитерациянинг таржимада берилиши

Эвроник элементлар ҳар бир тилда мавжуд. Аммо, бу элементлар миллий хусусиятга эга. Муайян олинган ҳар бир элемент, ҳар бир тилда ҳар хил ишлатилиши мумкин, уларнинг вазифаси ҳар хил бўлиши мумкин, улар айрим олинган бир тилда муайян бир услубий тизимда кўриниши мумкин. Шу боис таржима жараёнида бошқа ҳолатлардаги каби бу ерда ҳам турли хил трансформациялар ишлатилади. Трансформацияларни ишлатишда таржимон шу нарсани назарда тутиши лозимки, бу ҳам бўлса, таржима ҳам аслият каби таъсирчан ва тингловчини ҳис–ҳаяжонга сола оладиган бўлиши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, эвроник элементлар кўп функциялидир. Аслият ва таржимада уларнинг вазифаси мос келиши тўлиқ ёки қисман бўлиши ва умуман мос келмаслиги мумкин.

Масалан, аллитерациянинг инглиз ва рус тилида ишлатилишини олайлик. Аллитерациянинг вазифаси инглиз ва рус тилида бир хил, аммо ишлатилиш доираси ҳар хил. Я. Рецкернинг таъкидлашича, аллитерация инглиз тили насрий асарларида, рус тилидаги асарларга қараганда кўпроқ ишлатилади¹. Аллитерациянинг иккинчи вазифаси – бу компонентларни бир – бирига боғлашдир. Демак бу унинг мантикий (логик) вазифасидир.

Аллитерация кўпинча сифатлаш (эпитет) ва сифатланувчи сўзларни боғлашда ишлатилади. Бу ҳолат инглиз, рус ва ўзбек тилларида кўп учрайди .

¹ Я. Рецкер . Следует ли переводить аллитерацию в публицистическом переводе? // Тетради переводчиков . М., 1966. № 3 с 73-77.

Масалан :

'silent sea (Кольдриги)

"dusty death" (Шекспир)

Ночное небо над Невой (Пушкин)

Хира ханда

Зухро юлдуз милтираб хира ханда отганда ... (А.Орипов Биринчи муҳаббатим.)

Албатта уч тилда ҳам аллитерация эвроник ҳолатни яратиш учун ва оҳангдош сўзларни бир-бирига боғлаш учун ишлатилган.

Инглиз тилида аллитерация насрий асарларда сўзларни мантиқий боғлаш учун тез-тез ишлатилади. Масалан :

Nothing befalls him (the author) that he can not transmute into a stanza, a song or a story (Somerset Maugham).

Юқоридаги мисрада аллитерация адабий асарларни турини бирма-бир санаш учун ишлатилган. Мисраинг рус тилидаги таржимасини кўрамиз: "Всё, что происходит с писателем, может найти свой воплощение в песне, поэме или повести"² .

Аллитерациянинг инглиз тилидаги учинчи вазифаси ўқувчининг диққатини жалб этиш. Бу ҳол кўпинча адабий асарларга ном беришда, газета ва журналда берилган мақолалар сарлавҳаларида, рекламаларда учрайди.

Масалан :

"Love's labour's lost" (Shakespeare)

"Peregrine Pickle" (Smollett)

"Sense and Sensibility" (J. Austlin)

"Nickolas Nickleby" (Dickens)

"Pen, Pencil and Poison" (O. Wilde) ва бошқалар.

Ёзувчи Э. Гарднер ўзининг детектив романларига ном қўйишда аллитерацияни унумли ишлатган .

"The Case of the Black-Eyed Blonde";

"The Case of the Caretaker's Cat ";

"The Case of the Haunted Husband";

"The Case of the Shoplifter's shoe "; ва бошқалар .

Таржимада юқорида кўрсатилган аллитерация ҳолатини айтарлик бериб бўлмади ва зарурияти ҳам йўқ.

Газета мақолаларида аллитерация ўқувчининг диққатини бирданга жалб қилиш учун ишлатилади ва бу ҳол рус ва ўзбек тиллари учун унча хос эмас ва шу боис уни таржимада бермасам ҳам бўлади . Масалан:

¹ I. R. Galperin Stylistics . М . 1977 стр 125, 127

² Э.Худойбердиев "Адабиётшуносликка кириш" Т. , Ўқитувчи . 1995 180 бет .

“Rolls on the Rocks ” = банкротство компании Роллс – Ройе” = “Роллс – Рой компаниясининг инқирозга учраши”.

“Britains Biggest Bazaar” = “Невиданная распродажа”.

Шундай қилиб, аллитерация ҳолати уч тилда ҳам мавжуд, аммо уларнинг ишлатилиши доираси ва вазифаси ҳар хил бўлиши мумкин.

Аллитерация ҳодисаси воқеланаётган яна бир парчани таҳлил қилайлик:

Рўзи азал қиз қисматида
Эрта тегмоқ одати бордир.
Бу насиба тақдир хатида
Ёзилгандир, оҳ билан зордир.

«Зайнаб ва Омон» достонидан олинган бу парчада **р , з , қ , с** товушлари такрорланиб келиб, шеъринг нутққа муайян оҳангдорлик бахш этган. Шеъринг нутқда товушлардан санъаткорона фойдаланиш, аллитерацияни ўринли қўллаш асарга жозибаторлик, мусиқийлик бахш этади. Мусиқийлик эса, шеърнинг кишилар руҳига, ҳиссиётига кучли таъсир кўрсатиши, уларнинг онгига етиб бориши ва хотираларида гўзал кўшиқдек сақланиб қолиши учун йўл очади. Шеърнинг энг муҳим фазилати унинг мусиқий бўлишидир. Шеър эҳтиросли, жўшқин, кўтаринки нутқдир. Ҳар бир санъат турининг ўз қондаси бор. Худди шунингдек, шоир ҳам тил бойликларидан тўғри ва тўлиқ фойдалана олиши учун маълум билимга эга бўлиши керак. Бу талаблар таржимонга ҳам тегишлидир. Таржимон аслият мисраларидаги оҳангдорликни, мусиқийликни қайта ярата олиши керак.

Л.И. Тимофиев нинг таъкидлашича, аллитерация такрорнинг бир туридир – яъни бир хил товушнинг такрорланишидир¹.

Равшан нурли

Кўм – кўк кўзинг
Ҳали кўпни кўрмаган,
Кулган юзинг
Қарилардек
Қат – қат бўлиб сўлмаган. (Ҳ. Олимжон .”Ҳой яхши қиз”).

Инглиз тилидаги шеърда аллитерациянинг ишлатилишини қиёсланг:

Bid me to weep, and will weep
While I have eyes to see
And, having none, yet will ‘ I keep
A heart to weep for the.

(Robert Herrick , To Anthea , who may command him anythung).

Юқоридаги тўртликда [W] товуши 6 марта такрорланган, бу ҳол шеър мазмунини тушунишда, ғояни бўрттиришда, инсоннинг йиғлоқи ҳолатини ифодалаш мақсадида ишлатилган.

Бу тўртликнинг таржимада берилиши:

¹ Л.И. Тимофиев “Основы теории литературы” М . , 1963. с 94 .

Йиғла, десанг, йиғлай мен
Фақат дил бўлсин бутун.
Кўзсиз қолсам йиғлаб мен
Юрак йиғлар сен учун.

Таржимада аллитерация ҳолати (й) товуши такрори асосида қисман қайта яратилган.

Баъзан таржимада айнан шу товуш такрорини беришга таржимон интилади.

In secret we met
In silence I grieve
That thy heart could forget
Thy spirits deceive .

(Byron. When we two parted)

Аслиятда [S] товуши 4 марта такрорланиб келган ва у сукут сақланганлигини ифодалаш учун ишлатилган. Юқоридаги тўртликнинг таржимада берилиши.

Севгимиз эди пинҳон,
Сукут сақлаб ёнарман
Қалбинг бевафо экан
Севгинг ҳам ёлғон экан .

Баъзан аллитерация бошқа усул билан қайта яратилади ёки қурбон берилади:

When we two parted
In silence and tears
Half - broken - hearted
To seever for years .

(Byron. When we two parted)

Айрилдик биз ўшанда,
Тил унсизу, кўз гирён.
Юраклар пора – пора
Кўпга чўзилар ҳижрон .

Олдинги икки мисрада аллитерация [з] товуши такрори билан, кейинги икки мисрада [п] товуши такрори билан қайта яратилган. Ўзбек шеъриятида учрайдиган аллитерациянинг хорижий тилдаги таржимаси:

Кеча окшом фалакда ой бўзариб ботганда,
Зухро юлдуз милтираб хира ханда отганда.

(А.Орипов. “Биринчи муҳаббатим”)

Аслиятда [з] ва [х] товушлари такрори ишлатилган .

Last night as the wan moon was learing the sky
As Venus smiled a sad smile above me high ...

Таржимада аллитерация [с] товуши такрори асосида қайта яратилган.

Хира ханда – sad smile.

“Хира ханда отганда” жумласи усталик билан санъаткорона “smiled a sad smile” деб таржима қилинган. Бу ҳол инглиз шеърятига хосдир .

3.3 Ассонанс ва унинг таржимада берилиши

Айнан бир хил ёки оҳангдош унли товушларнинг муайян мисра, банд, шеър давомида тез -тез такрорланиши “ассонанс” дейилади¹

Ёз фасли, ёр фасли, дўстларнинг сухбати,

Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила

Мундан ортиқ бўлмагай, Бобур, жаҳоннинг ишрати.

Бу шеърий парчада **а** , **у** , **и** , товушлари кетма – кет такрорланиб келиб, ғазалнинг жарангдорлигини таъсирчанлигини оширган.

Инглиз шеърятидан мисол :

The fields breath sweet, the daisies kiss our feet,

Young lovers meet, old wives a sunning sit,

In every street these tunes our cars do greet .

(Thomas Hashe. Song)

Юқоридаги шеърий парчада чўзиқ [i:] товуши 8 марта такрорланган, унга оҳангдош бўлган қисқа [i] товуши 4 марта такрорланган. Бу товушлар қофиядош сўзларда учрайди ва тингловчига ҳузур бағишлайди, шеърни хотирада сақлаб қолишга ундайди. Таржимон шеърнинг мусикийлигини қайта яратишда ассонансдан усталик билан фойдаланиши лозим. Таржимаси:

Атроф –гўзал , хуш ҳаво, очилмиш гули мино,

Қиз Ёрин кутар танҳо, офтобда мудрар момо,

Кўча – куйда, боғда – ё эшитилар шўх наво.

Аслиятдаги [i:] ва [i] товуш такрори таржимада [o:] ва [a] товушлари билан берилган. Рухшуносларнинг таъкидлашича [i:] товуши яхши кайфиятни ифодалайди, ўзбек тилида бу ҳол [o] товуши билан берилган, чунки ўзбеклар “ажойиб” дейишади. Инглиз тилшуносларининг таъкидлашларига кўра “alliteration or the repetition of consonant sounds, especially at the beginning of words, and assonance or the repetition of vowel sounds are witty guide to poetic technique”.

Америкалик шоир Жон Холандар “the assonance sweetens the sound of the poem,” дейди.

Мирзо Бобурнинг “Чархнинг мен кўрмаган ...” номли ғазалидан бир бандни оламиз.

Ошиқ ўлгач кўрдим ўлумни ўзимга эй рафиқ,

Ўзга кўнглимнинг бу оламда ҳавоси қолдимۇ?

Юқорида келтирилган бандда (ў) ва (у) товушлари такрори ишлатилган Таржимада айнан шу товушнинг такрорини бериш қийин, иложи йўқ деса ҳам

¹ Э.Худойбердиев “Адабиётшуносликка кириш” Т. , Ўқитувчи . 1995. 180- бет .

бўлади. Лекин бу такрор тўла ёки қисман бошқа унли товуш билан берилиши мумкин .

O friend, and when in love fell I for death did cry I.

For is there any other will that's in me left yet?

(Ў) ва (у) товушлари инглиз тилига [e] ва [ə] товушлари такрори билан берилган.

Ҳақиқатдан ҳам Жон Холандар таъкидлашича, ассонанс бу “Assonance is the spirit of rhyme” яъни ассонанс қофиянинг юрагидир. Ассонанс шеърга мусиқа бағишлайди, дилрабо этади, уни хушоҳанг қилади. Унли товушлар такрори кўпинча туроқ ичида, банд ичида, қофияда учрайди.

3.4 Қофия ва унинг таржимада берилиши

Ритмик жиҳатдан уюшган нутқда сўзларнинг оҳангдош бўлиб келиши қофия дейилади. Э. Худойбердиевнинг “Адабиётшуносликка кириш” номли дарсликда қофия ҳақида шундай ёзилган: “Шеърый мисралар охиридаги товушларнинг оҳангдошлиги ҳодисаси қофия деб аталади”. Мисралардаги ритмни кучайтиришда қофия ниҳоятда катта вазифани ўтайди. Бундан ташқари, қофия шеърый нутқда тасвирий восита сифатида ҳам иштирок этиб, муайян мазмуннинг ёрқинроқ ифодаланишига ҳам хизмат қилади. Қофия ритмик унсур сифатида шеърый асарнинг мисраларга бўлинишини таъминласа, тасвирий – ифодавий восита сифатида кўпинча шеърдаги асосий маънони ташувчи сўзларни ажратиб кўрсатиш вазифасини ўтайди. Қофия икки хил товуш билан: унли ёки ундош товуш билан тамомланиши мумкин. Унли товуш билан битган қофия очик бўғин билан тугаган ҳисобланади ва у “очик қофия” дейилади. Унинг наъмунасини Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон” шеърідан олинган куйидаги парчада кўриш мумкин.

Кундан кунга ўсади пахта,
Барг чиқади ҳар бир дарахтда
Олмазорлар гулин тўқади,
Мева боғлаб шохин буқади.

Охири ундош товуш билан тугаган бўғинлар ёпиқ бўғин дейилади ва шу хилда тугалланган оҳангдош сўзларни “ёпиқ қофия” деб аталади. Мисол сифатида “Ўзбекистон” шеърідан куйидаги мисраларни олиш мумкин.

Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон.

Агар мисралар охиридаги бир неча сўз ўзаро оҳангдош бўлса, бу ҳодиса **мураккаб қофия** дейилади.

Қорли дамлар турар бошида,
Гул водийлар яшнар қошида. (Х. Олимжон)

Агар мисралар охиридаги биттадан сўз оҳангдош бўлса, бу ҳодиса **содда қофия** дейилади.

Одамлардан тинглаб ҳикоя
Ўсар эди шоирда ғоя. (Х. Олимжон)

Оҳангдошлик даражасига кўра, қофия икки хил бўлади. Агар мисра охиридаги сўзларнинг асосий унлиси ва ундош товушлари айнан ёки бир хил бўлса, бу ҳодиса **тўла ёки тўқ** қофия дейилади.

Тоғни талқон этар кучли билагим

Мамлакатни бўстон этиш тилагим. (Раъно Узоқова)

Бундай қофия инглиз тилида “exact rhyme” ёки “perfect rhyme” дейилади. Масалан,

The woods are lovely, dark and deep
But I have promises to keep. (R. Frost)

Ушбу хилдаги қофияга унли товуш билан тугаган сўзлар ҳам киради. Масалан, тўқ қофия (perfect rhyme) да сўзлар бир хил сондаги бўғинлардан, бир хил сондаги урғудан иборат бўлади (know, though, snow).

Агар мисра охиридаги сўзларнинг фақат баъзи товушларигина айнан ёки деярли бир хил бўлса, бу ҳодиса **чала** ёки **оч** қофия дейилади.

Шаҳарларда ишга чиқиб эл,
Одам билан тўлар текстиль. (Х.Олимжон)

Инглиз тилида бу ҳодиса “imperfect” ёки “slant rhyme” дейилади.

Exact rhyme (dust – rust)
Slant rhyme (slow – low) (dirri – easy)

Очиқ бўғин инглиз тилидаги “feminine rhyme” га қисман тўғри келади. Ўзбек тилидан фарқ қилган ҳолда бундай сўзлар урғусиз бўғин билан тугайди. “Masculine rhyme” эса, аксинча, асосан ундош товуш билан тугайди ва урғули бўлади. Оҳангдошлик фақат мисралар охиридагина эмас, балки уларнинг ичида ҳам бўлиши мумкин. Агар бир мисра ичидаги сўзлар ўзаро оҳангдош бўлса, бу ҳодиса ички қофия “inner rhyme” дейилади. Масалан,

Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди. (М. Бобур)

Агар икки мисра ичидаги сўзлар ўзаро оҳангдош бўлса, бундан ҳодиса **қўш қофия** дейилади.

Гулзорлардан, боғлардан ўтдим,
Бозорлардан, тоғлардан ўтдим. (Х.Олимжон “Зайнаб ва Омон”)

Қўш қофиячилик энг аввало ўзбек халқ кўшиқларида пайдо бўлган. Шоирларимиз қўш қофияни халқ оғзаки ижодидан ёзма шеърятга олиб кирдилар. Улар бундай қофияни “қофия тардиакс” деб юритганлар. Алишер Навоий эса уни “зулқофиятайн” деб атаган. Шоирлар қофия устида катта қунт билан ишлайдилар.

Инглиз тилида И.В. Арнольднинг таъкидлашича, қофиянинг «таркибли рифма» “better together” ва “каламбур рифма” (омоним сўзларнинг такрорланиб келиши) каби турлари мавжуд. Таржима жараёнида, таржима тили қонуниятларига амал қилиб, қофиядан зўрма-зўраки эмас, балки ихтиёрий, табиий ва силлиқ фойдаланиш керак бўлади. Чунки у, таржимонга машаққат келтирсада, ўқувчига роҳат бағишлайди. Инглиз, америка, шотланд шеърятини ўзбек тилига таржима қилар эканмиз, қофия турлари билан бир қаторда шеърдаги мисраларнинг қофияланиш усулларини ҳам фарқлаш лозим бўлади. Қофияланиш усулларидаан уч хили, яъни **жуфт**, **кесишувчи** ва **қопловчи** қофия анча кенг тарқалган.

Кетма-кет жойлашган, яъни биринчи ва иккинчи, учинчи ва тўртинчи, бешинчи ва олтинчи мисраларнинг охирилари ўзаро қофиядош бўлса, бу ҳодиса

жуфт қофия дейилади. Бундай ҳодиса инглиз шеърлятида кўп учрайди ва уни ўзбек тилига айнан шундай жуфт қофия усулида қайта яратиш мумкин . Масалан,

Her lovely grave the turt has pressed / a
 And thou hasn't known a stranger's breast / a
 Derision sneers upon thy birth, / b
 And yields thee scare a name on earth / b
 Yet shall not these one hope destroy , / c
 A father's heart is thine, my Boy / c
 (Byron "To my Son)

Таржима :

Онажонинг қабрини ўтлар қоплади. / a
 Лек бегона бағрига сени олмади / a
 Отасиз деб айтишди келиб қошингга / b
 Таъна тошин отдилар гўдак бошингга / b
 Энди бахтингни боғлаб, хўрламас бу ном / c
 Ки , сен қалбим соҳиби бўлғайсан, ўғлон. / c

Агар шеърый банддаги биринчи мисра билан учинчи, иккинчи мисра билан тўртинчи мисра оҳангдош бўлса, бу ҳодиса «кесишувчи қофия» дейилади. Бу ҳодиса инглиз шеърлятига ҳам хос бўлиб, таржимада бу хил шаклдаги қофияни қайта яратса бўлади ёки бошқа турдаги қофия билан берилади.

Ye mustering thunders from above a
 Your willing vicbom see! b
 But spare, and pardon my false love a
 His wrangs to Heaven and me. b
 (R. Burns. Ballad lord Gregory)

Таржимаси

Сенчи кўкдаги чакмоқ a
 Севги қурбонига бок. a
 Лек тегма алдамчига b
 Этсада, кўксимни чок. a

Юқоридаги поэмадан олинган парча бошқа турдаги қофия билан берилган, аммо маъно, ғоя, мусиқийлик, ифодавийлик таржимада акс этган.

Таржима жараёнида қофияларнинг барча турларини учаратамиз ва уларнинг ўзбек шеърлятига кўчиришга ҳаракат қиламиз ва бу билан ўзбек шеърлятини, унинг шакллари бийишига ҳисса қўшилади.

Масалан,

And wilt thou leave me thus? a
 That hath loved thee so long b
 In wealth and woe among? b
 And if thy heart so strong, b
 And wilt thou leave me thus? a
 Say nay ! Say nay! c

(Thomas Whyatt . (1503 – 1542) "The Lover's Appeal")

Таржимада қофияни сақлашга уринамиз.

Солиб шу куйга кетар бўлдингми?	a
Кошонангда ҳам, ғамхонангда <u>ҳам</u>	b
Ёнингда доим бўлган эдим <u>ман</u> .	b
Қаердан сенда шунча ўт, <u>алам</u> .	b
Куйдириб тамом, кетар бўлдингми	a
Кетмагин – кетма.	c

Ўз навбатида аруз вазнида ёзилган ғазалларни инглиз тилига таржима қилишда, силлабо-тоник вазни қўллай олишнинг иложи бўлмаса, силлабик, яъни ҳижо вазнини ишлатиб, бандлар сонини, буғинлар сонини сақлаб ёки бироз ўзгартириб, бандлардаги қофиядош сўзларни қайта яратиш мумкин.

Масалан:

Алишер Навоийнинг машҳур ғазали яъни “Келмади” номли (фоилотун/фоилотун /фоилотун /фоилун) Рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган ғазали ва унинг таржимасини қиёслайлик.

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулру келмади,
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.
Лаҳза – лаҳза чиқдим, чекдим йўлида интизор
Келди жон оғзимаю, ул шўхи бадху келмади.

Ғазални инглиз тилига ҳижо вазнини ишлатиб таржима қилса бўлади. Фақат аслиятда ҳар бир мисра 15 бўғиндан иборат бўлса, таржимада у бир бўғинга кўпаяди. Қофия ва радиф қайтадан яратилади.

Having shown her will to come, my mistress that flower fail'd to come.
And my longing eyes that night, a sleep till all hours fail'd to come.
And long and long grieved I, stared at the road she used to walk along
Methought in love of hers would die, as my joyfull liar fail'd to come.

Таржимада байт тузилишига риоя қилинган, унда арузнинг ўзи акс этмаган бўлса-да, шарқона оҳангни бир қадар ифодалайдиган шеърининг интонация ҳосил қилишга уриниш сезилади. Атоқли таржимашунос олим Ирши Левий метрик вазнга асосланган шеърини бошқа вазнга ўтказиб таржима қилса бўлади деб айтиб ўтган. Таржималар натижасида сонет шакли ўзбек шериятига кириб келди ва сўнгги йилларда сонет наъмуналари яратила бошланди. Жумладан, шоир Барот Байқобиловнинг “Қуёш фарзанди” номли достони бутунча сонетлар билан ёзилган. Ундаги сонетларнинг қофияланиш схемаси куйидагича: абба, абба, вгв, гвв.

3.5 Такрорнинг бошқа турлари ва уларнинг таржимада берилиши

Бир хил товушнинг ёки сўзнинг гап бошида такрорланиб келиши анафора ҳодисасидир. Масалан,

↑ Friends ,/if we have ever ↑ been

↓ Friends/ we can not now re↓main.

(Tomas Hood (1799-1845) To my False Friend)

Таржима :

↑ Дўстим ,/ сўзи такрорида адашдим тил

↓ Дўстлик ришталарин боғлай олмас энди дил.

Таржимада анафорик боғланиш қайта яратилган, аммо ритм, вазн ўзгарган. таржима мисраларида бўғинлар сони 2 марта кўпайган. Мазмун, ғоя берилган, аммо ритм, вазн ўзгарган.

Сўз охирида унли ёки ундош товушларнинг такрорланиши **эпифора** ҳодисасига хосдир. Эпифора кўпинча қофия ва радиф орқали берилади.

Таржимада баъзан “анафора” ҳодисасини “эпифора” воситасида бериш мумкин. Инглиз тили аналитик тил, ўзбек тили эса аглютинатив тил бўлганлиги боис баъзан такрор бўлиб келган сўзлар, айниқса предлоглар, суффикслар орқали берилади.

Мисол

I charm thy life

From the weapons of stife

From stone and from wood,

From the fire and from the blood

From the serpent's tooth. ...

(Robert Southey. (1774-1843) “Kehama's curse”)

Таржима:

Асрагум сени доим

Душманларнинг ўқидан

Четдан отилган тошдан

Ҳам калтагу, ҳам муштдан

Ёнғиндан ва тошқиндан

Заҳри тўла ул тишдан

“From” сўзи такрори “-дан” суффикси орқали берилган ва у “from” сўзи каби тез-тез такрорланиб ишлатилган.

Баъзан инглиз шериятида, ўзбек шеърлятидаги каби ундов сўзлар такрори ишлатилади. Бу ҳол шеърга тушкун руҳ бағишлайди. Бундай шеърлар одатда “элегия” жанрига оиддир.

“The wan moon is setting behind the white wave,

And time is selting with me? Oh!

False friends, false love, farewell. For mair

I'll ne'er trouble them, nor thee, oh!” (R. Burns. (1759-1796))

Таржима:

“Тобон мавжлар ортида бўзариб, ой ботмоқда,

О, жон сенга ҳам навбат келди, о !

Хайр эй бевафо дўстлар, бевафо ёр алвидо!

Безовта этмай сизни энди, о !”

Ундов сўз “oh” нинг такрорланишиб келиши таржимада берилган, бундан ташқари бу ҳодиса (о) товушининг такрорланиши асосида янада бўрттирилганлигини кўрамиз.

Янги шеърий жанр бўлган “блюз” қатъий қоида (оҳанг такрори) асосида ёзилади. Биринчи чўзиқ сатр такрорланади, такрорланган сатр бироз ўзгаради, баъзан ташлаб кетилади. Учинчи сатр олдинги биринчи сатр билан қофиядош бўлади.

Had a dream last night I.
Thought I was in hell,
I dreamt last night I
Thought I was in hell.
Woke up and looked around me –
Bake, your mouth was open like a well.

(Langston Hughes (1902-1967) Morning after)

Таржима:

Кўрибман туш ул оқшом мен
Тушганмишман дўзахга
Кўрибман туш оқшом мен
Мен тушибман дўзахга
Уйғониб кетиб қарасам –
Митти, оғзинг очилибди ўхшаб худди қудукка.

Баъзан шеърда бир хил қофия ишлатилади, бу ходисани “монорим” дейишади. У французча сўз (monorime) дан олинган бўлиб, бир хил қофияга асосланган шеър деган маънони англатади.

Юқорида айтганимиздек, қофия шеърда ниҳоятда муҳим вазифани бажаради ва у ёрдамчи ритмик унсурлардан бири ҳисобланади. Шунга кўра баъзи шеърларда қофия бўлмаслиги ҳам мумкин. Жумладан, антик давр поэзиясида қофия бўлмаган. У поэзияда туроқларнинг қатъий қоида асосида жойлаштирилиши изчил ритмни туғдирган ва бу ритмни кучайтириш учун қўшимча унсурга – қофияга эҳтиёж бўлмаган. Ғарб поэзиясида қофия, асосан, яъни замонлар маҳсули ҳисобланади. Бироқ янги давр поэзиясида ҳам қофиясиз шеър учрайди. Улар оқ шеър (blank verse) деб аталади. Ундай шеърларда ритм туроқларнинг муайян тартибда жойлаштирилиши, оҳангдорлиги билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Шоир Максуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” фожиаси оқ шеърда ёзилган. Бундай шеър асарга муайян тантанаворлик, таъсирчанлик бахш этади.

Инглиз тили шеъриятидан мисол

Give all to love;
Obey thy heart;
Friends, kindred, days
Estate, good fame,
Plants, credit and the Muse –
Nothing refuse. (American poet)
(Ralph Waldo Emerson (1803-1882))

Юқоридаги шеърий парчада фақат охирги икки мисра қофиялашган. Инглиз шеъриятида ўзбек шеъриятидаги каби қофияланиш усули ҳар хил. Аммо, ўзбек тилида аруз вазни алоҳида ўринни эгаллайди.

Инглиз шоири Байроннинг «Шильон тутқуни» асарининг 9-фаслида кўйидаги мисралар учрайди:

There were no stars, no earth, no time,
No cheek, no change, no good, no crime.

Бу мисралар В.А. Жуковский таржимасида шундай жаранглаган эди:

Без неба, света и светил,
Без времени, без дней и лет,
Без промысла, без благ и бед.

Бу мисралар шоир Муҳаммад Али таржимасида кўйидагича берилган:

Осмони йўқ, беранг, беиё,
Замони йўқ, бевақт, беадад,
Беҳунару, бевақт, беофат.

Олима Муҳаббат Бақоева¹нинг қайд этишича, ҳар икала таржимада ҳам шеърини оҳангдошликка эришилган. Русча таржимада т, б, с товушлари ўзбекча таржимада эса, б, р, с, з товушлари такрори оҳанг уйғунлигини таъминлаган.

Фонетик стилистик воситаларга эвроник элементлар аллитерация, ассонанс, қофия ва такрорнинг бошқа турлари киради. Матннинг мазмунини, ғоясини, оҳангини ифода қилишда маълум бир товушлар, сўзлар танланади. Эврония нафақат хушоҳанглик яратишда, балким мазмунни бўрттириб, чиройли қилиб бериш, фикрнинг нафис, нозик, маънодорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Ҳар бир тилда эвроник элементлар мавжуд, аммо уларнинг ишлатилиш доираси, вазифалари турлича бўлиши мумкин. Шеърнинг энг муҳим фазилати – мусиқийликдир. Мусиқийлик эса аллитерация, ассонанс ва қофия, радифлар воситасида яратилади.

Инглиз шеърини қофияланиш усули, ўзбек шеърини қофияланиш усулига ўхшайди, аммо фарқланиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Инглиз тилида сонет ва блюз ва ўзбек тилида ғазал жанрларининг ўзига хос қофияланиш усуллари бор. Иккала тилда ҳам оқ шеър мавжуд.

IV БОБ. ШЕЪРНИНГ ЛЕКСИК -ИФОДАВИЙ ҚАТЛАМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ

“Тасвирий-ифодавий воситалар ва тилнинг махсус лексик имкониятлари ниҳоятда кўп бўлиб, улар орасида синоним ва антонимлар архаизм ва неологизмларни, диалектизм, жаргонизм, варваризм ва профессионализмларни – алоҳида кўриб ўтиш зарур”²

Луғатда нейтрал, адабий, оғзаки нутққа тобе сўзлар, илмий техника соҳасида ишлатиладиган атамалар ва бошқа турдаги сўзлар мавжуд. Инглиз тили луғатларида шеърини ишлатиладиган сўзларга айрим пайтларда махсус изоҳлар ҳам берилади.

Масалан beautiful [bju:tyəs] adj. поэт. прекрасный, красивый³.

¹ М. Бақоева. Проблемы перевода английской поэзии на узбекский язык. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата фил. наук. –Т.: 1980. с10-11.

² Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. Т. “Ўқитувчи” – 1955. 106 б.

³ Англо-русский словарь. – Составитель Мюллер В.К. Гос. изд-во Иностраных и национальных словарей. -Москва.: 1956. –72с.

fair [fɛə] n. поэт. красавица,¹

maid [meid] n поэт дева, девица, девушка².

XVIII аср адабиётида, шеъриятида, бундай сўзлар кўп ишлатилар ва улар фақат назмга тобе ҳисобланар эди. XIX асрга келиб, шеъриятда бошқа сўзлар ҳам ишлатила бошлади. Шеъриятда ишлатилган сўзлар одатда ўз синонимларига эга ва бу синоним сўзлар анча аниқ ва турли услубларда ишлатилса бўладиган унсурлар ҳисобланади. Инглиз тилида шеъриятда ишлатиладиган фонетик услубий сўзлар деган тушунча йўқ. Қайси бир сўзни, иборани танлаш кераклигини ижодкорнинг ўзи ҳал қилади. Аммо ижодкор синонимлар қаторидан бўёқдор, жарангли ва чиройли, маънодор сўзларни танлайди.

Масалан, brow – forehead – синонимлардир.

Иккала сўз ҳам “пешона” сўзини англатади, аммо вазиятга қараб матнни ҳисобга олган ҳолда шоир “brow” сўзини танлайди.

Масалан

The dew of the morning

Sunk chill on my brow

It felt like the warning

Of what I feel now. (Byron “When we two parted” ballade)

Шоир “forehead” ўрнига “brow” сўзини танлашига сабаб, у “now” сўзига қофиядош бўлиб келади. Инглиз шеъриятида асосан бир бўғинли сўзлар кўп танланади. Улар бир бўғиндан иборат бўлсада, тугал маънони англатади.

Таржима:

Субҳидам шабнамлари

Пешонамда музлади.

Сесканди бундан юрак

Ўзмишин ул англади.

Таржимада “morning” (эрталаб) сўзи ўрнига “субҳидам” сўзининг ишлатилиши ва “warning” (огоҳлантириш) сўзи ўрнига “ёзмиш” сўзи ишлатилиши билан аслиятга яқин даражада шеърий нутқ яратилган.

Масалан, инглизча “farewell” [fɛəˈwel] сўзи таржима луғатда “досвидание!”, “добрый путь!” деб берилган. Бу сўз шеърий нутқда учраганда кўпинча “алвидо” деган маънони англатади ва таржимада бу сўзни вазиятга қараб, матнга қараб қўллаш лозим бўлади.

Масалан,

Farewell to the Highlands, farewell to the North

The birthplace of valor, the country of worth.

(R . Burns “My heart is the Highlands”)

Таржима:

Алвидо, эй тоғларим, хайр энди Шимол,

Шону – шуҳрат ватани энди яхши қол.

¹ Кўрс. манба – 354 с.

² Кўрс. манба – 603 с.

(Мухаммад Али таржимаси)

“Highlands” сўзи реалия (хос сўз) бўлиб, таржимада лексик трансформация яъни “generalization” ишлатилган.

Инглиз шеъриятида услубий нейтрал сўзларга ва услубий бўёқдор сўзлар кўпроқ ишлатилади. Масалан :

Нейтрал сўзлар	Бўёқдор сўзлар
Sorrow	woe (қайғу , хасрат)
Blood	gore (қон)
Sea	main (денгиз)
Horse	steed (от, той)
See	behold (кўрмоқ)
Kill	slay (ўлдирмоқ)
Believe	trow (ишонмоқ)
Beautiful	fair (чиройли, гўзал)
Unhappy	hapless (бахтсиз)
Lonely	lone (ёлғиз)
Grim	murky (қоронғи)
Presently	anon (ҳозирги пайтда)
Almost	nigh (айтарлик)
You	ye (сен)
Nothing	naught (ҳеч нарса)
Father	sire (ота, падар)
Although	albeit (...бўлса ҳам)
Before	ere (олдин)
Happiness	bliss (бахт)
Ask	bid (сўрамоқ, илтижо қилмоқ)

Кўпгина сўзлар ўзининг асосий нейтрал маънолари билан бирга, шеърият тилида ҳам бўёқдор сўз сифатида ишлатилиши мумкин.

Масалан “murk” [mә:k] сўзи оғзаки нутқда ҳам, шеъриятда ҳам ишлатилади. Оғзаки нутқда учраганда уни “қоронғилик” деб таржима қилса бўлади. Худди шунингдек “heaven”[hevн] сўзи, оддий нутқда “осмон” деб таржима қилинса, шеъриятда, матнга қараб “фалак” деб таржима қилса бўлади. “Hard” сўзи “қаттиқ”, “оғир” деб таржима қилинса, уни “тош” деб таржима қилса бўлади, чунки тош қаттиқдир.

Мисол,

Hard is thy heart, lord Gregory,
And flinty is thy breast.
Thou dart of Heaven that flashed by
(Robert Burns. Ballade)

Таржима:

Бағринг тош экан беҳад
Севгинг эса қалбаки

Яшинни чақнат фалак
Шу ерда куйдир мани.

Шеърларни ўзбек тилидан инглиз тилига ўгирганда ўзбек тилида кўп учрайдиган жуфт сўзларга алоҳида эътибор бериш зарур. Таржимада аруз вазнига монанд, шарқона оҳанг яратиш лозим, бунинг учун такрорни, синоним сўзларни бериш муаллифнинг фикри, кечинмаларини ҳам сўзлар, ҳам оҳанг, ҳам маъноли бир ўлчов билан бериш муҳим. Айтиш лозимки таржимада аруз вазнини ишлатишнинг иложи йўқ, шу боис таржимада ямб вазнига тақлид қилган ҳолда ҳижо вазни билан ўгириш афзалдир.

Мисол,

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдимۇ?

Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси қолдимۇ?

(Мирзо Бобур)

Таржима

And is there any grief and grame that I've not held yet?

And is there pain or smart that my sore heart's not held yet?

Ўзбек шеърлятида ишлатилган фразеологик ибораларга ҳам алоҳида эътибор бериш, уларни аниқлашга ҳаракат қилмоқ лозим:

Эсга олмоқ - to bring to one's mind
to cull to one's mind

Хаёлга толмоқ - to be lost in thoughts

Гуссага ботмоқ - to be deep in sorrow

Чорасиз қотмоқ - to be at a lost
to be on a terrible way

Хира ханда отмоқ - to smile a sad smile

Мисол,

Кеча окшом фалакда ой бўзариб ботганда,

Зухро юлдуз милтираб хира ханда отганда,

Руҳимга бир маюслик, сокинлик уйғотганда,

Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим,

Эслаб хаёлга толдим , биринчи муҳаббатим .

(А.Орипов «Биринчи муҳаббатим»)

Таржима:

Last night as the wan moon was leaving the sky,

As venus smiled a sad smile above me high,

When my moaning soul in silence made me cry,

Then I brought you to my mind, o my first love,

And was last in thoughts of mine, o my first love.

Таржима қилиш учун сўзнинг асосий луғавий мазмуни-ю, тилнинг грамматик қодаларини билишнинг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун тилни ҳис этиш керак. “Тилнинг ана шундай “ҳиссий” томонларидан бири муайян асарда муаллиф тилнинг қайси қатламларидан, қандай, не йусинда фойдаланганида ўз

ифодасини топган. Бу услуб билан боғлиқ”¹. Ҳар қандай бадиий асар ҳам бир хил тил материалдан ясалади. Лекин шунга қарамай, бадиий адабиётнинг луғавий-услубий воситалари бир хил эмас. Ҳар бир адабий жанрда ёки адабий турда яратилган асарнинг луғати ўзига хос жиҳатларига эга. Ҳатто лирик шеър билан эпик дoston, қитъа билан баллада, новелла билан қисса тили ва услубининг ўз талаблари бор. Назм тили ўзига хос луғатга эга. Чунончи, шеърда сўз танлаш шакл талабларига вобастадир: бунда қисқа сўзлар кўпроқ қўлланилади, чунки уларни шеърини қолип – вазнга сиғдириш ўнғайдир.

Иржи Левий ўзининг “Искусства перевода” номли китобида насрда ва назмда ўртача бўғинлар сонини аниқлаб, ҳисоблаб мисол келтирган. Масалан англиз сўзи насрда 1,4 бўғинни ва назмда 1,28 бўғинни ташкил этган².

Шеърятда сўз умумий матн таркибидаги бир элемент бўлиб, бу сўз танлаш ва уни истифода этишга бўлган талаб ҳамда шарт-шароитларни бутунлай ўзгартириб юборади. Чунончи, сўзнинг “акустик ” жиҳати , яъни унинг қандай жаранглаши, узун ёки қисқалиги, таркибидаги унли ва ундош товушлар нисбати ва ҳоказолар шеърда жуда катта, баъзан ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

“Асарни таржима қилиш – муаллифнинг ўзига хос услуби, тасвирланаётган воқеанинг хусусияти, образ ва персонажнинг ёш, жинс, вазифа, ихтисос, малака, миллат, эътиқод ва бошқа белгилари ҳамда асарнинг жанри ва турини ҳисобга олган ҳолда мувофиқ сўз ва ибораларни топиб , ўз ўрнида ишлата билиш демакдир”³. Шеърни, назмни сўзма-сўз таржима қилиб бўлмаслиги тўғрисида ёзган таржимашунос олим Ғайбулло Саломов Асқад Мухтор томонидан таржима қилинган шеърдан мисол келтирган:

Спеша вперед без оглядки , он , как мертвец , молчал

Не слал ничему привета и встречный не замечал .

(Павел Антокольскийнинг арман тилидан қилган таржимаси)

Агар Павел Антокольский таржимасини “асл нусха” деб олинса, Асқад Мухтор шеърини, санъат асари сифатида, аслидан ўтказиб қилинган таржима қаторига қўшсак тўғри келади.

Таржима

Ҳеч нима кўр/мас гуё, йул/да йўловчи / лол эди,

Ўй сура уй/да оқар мис/ли ўзи ха/ёл эди.

Асл нусхадаги сўзлар юз фоиз алмаштирилиб, тамомила бошқа сўзлар топилган. Аммо айни бир фикр, ўша-ўша мазмун бутунлай “номатлуб” сўзлар орқали ифодаланган. Аммо ўзбек таржимони луғавий бирликни қандай бўлмасин, муқаррар равишда ўзгартириш, уларни бошқалар билан алмаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. .

Асқад Мухтор сўзни эмас, балки куй, мусиқа, оҳанг санъатини таржима қилган. Сўзма-сўз таржима қилинганда тахминан шундай бўлган бўлар эди.

“Ортига қарамай еларди у, мурда сингари гунг

Бўлиб: на салом берар, на алик оларди”.

¹ Ғ. Саломов . Таржима назарияси асослари . Т.: Ўқитувчи , 1983 й ., 77-бет .

² Иржи Левий “Искусство перевода” М ., 1974 . _с 240 .

³ Ғ. Саломов . Таржима назарияси асослари . Т.: Ўқитувчи . 1983 й., 94 -бет .

Худди шунингдек Мирзо Бобурнинг “Чархнинг мен кўрмаган ...” матласи билан бошланувчи ғазалини инглиз тилига ўтирилганда, айниқса тўртинчи бандни таржима қилишда куй, мусиқа, оҳанг ва мазмунни, ғояни беришда юқорида келтирилган муқобил бўлмаган сўзлар ишлатилган.

Мени ўлтурди жафоу жабр бирла ул қуёш,
Эмди тиргизмак учун меҳру вафоси қолдимму?

Сўзма-сўз таржима қилинганда, у қуйидагича бўлар эди.
That son killed me by making me suffer from pain and smart
And now does he have any love for me to make me alive.

Юқоридаги банд шу тарзда таржима қилинса, бу ҳол инглиз ўқувчиси учун тушунарли бўлмас, бу ҳодиса улар учун ёт. Улар чиройли, гўзал қизни қуёш билан қиёслашмайди, бу прагматик ҳодиса бўлиб, шарқона шеърятга хос ҳол. “The son” “қуёш” сўзини, унинг хусусиятлари яъни ҳарорати, ёруғлиги, зеболигини оламиз, умуман “қуёш” сўзи таржимасидан воз кечамиз.

By grace and blaze of hers she made me pass away, o
And is there some love in her to charm me from death yet?

Инглиз шеърятда “ўлтирди” деган сўз ўрнида кўпинча “to make somebody pass away” деб берилади, “тиргизмоқ” сўзи эса “to charm smb from the death” иборалари билан берилади. Таржимада банд шаклининг сақланиши, аслият оҳангининг қайта яратилиши, ритмнинг сақланиши натижасида ўқувчи шарқона арузни ҳис қилади, маъносини тушунади.

Шеърят таржимасида яна шеър ёзилган давр, муаллиф ижод этган замон ва макон руҳини ҳам бера олиш лозим.

Мисол,
Эй кўнгил, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,
Тангри учун де, бу оламнинг сафоси қолдимму?

Ушбу байтда архаик сўз “сафо” ишлатилган ва бу шеър анча йиллар олдин ёзилганлигини ўқувчига етказиш лозим. Шу боис “dreams” сўзидаги [-s] қўшимчасини архаик суффикс “th” билан берилса, шеър анча олдин ёзилганлигини ўқувчи ҳис қилади.

O soul, don't blame Bobur who dreamth of world of unknown
For God's sake tell, if there's a joy in this false world yet.

V БОБ. ШЕЪРНИНГ СИНТАКТИК ҚУРИЛИШИ ВА УНИНГ ТАРЖИМАДА АКС ЭТИШИ

Таржима ва таржимашуносликка оид дарсликлар, қўлланмалар ва маърузаларни кўриб чиқилганда, шеърият ўзига хос синтактик қурилишга эга дейилгану, бироқ бу ҳақда батафсил маълумот хануз кам. Ёш ижодкор, талаба албатта шеъриятнинг грамматик хусусиятларини ҳам билиши, ўрганиши лозим. Энг аввал инглиз шеъриятининг ўзига хос синтактик тузилишини таҳлил қилишга уриниб кўрамиз.

Ўзбек шеъриятидаги сингари нглиз шеъриятида инверсия (гапда сўзларнинг ўрни алмашиши, сўз тартибининг ўзгариши) ҳодисаси тез-тез учрайди.

Мисол

Pale grew thy cheek and cold
Colder thy kiss
Truly that hour foretold
Sorrow to this.

Юқоридаги тўртликда биринчи мисрада сўз тартиби ўзгарган. Насрда у “thy cheek grew pale and cold” тартибида бўлган бўлар эди. Бундан ташқари, эллиптик (қисқартирилган) жумлалар ҳам кўп ишлатилади. Масалан, юқоридаги иккинчи мисрада гапнинг кесими тушиё қолган, аслида у “thy kiss grew colder” шаклида бўлиши лозим. Бўлишсиз гаплар ҳам насрий асарлардан фарқ қилган ҳолда ишлатилади, яъни кўпинча ёрдамчи феъл “do” “does” ишлатилмайди, боғловчилар ташлаб кетилади.

Мисол,

They know not I knew thee
Who knew thee too well.

Насрий матнда у “they didn’t know you but I knew you” шаклига эга. Бундан ташқари, аниқловчининг аниқланмиш отдан сўнг келиш ҳоллари кўп учрайди.

Мисол,

Those flaxen locks, those eyes of blue,
Аслида насрий матнда у “those blue eyes” шаклида бўлиши мумкин эди.
If thou regret’s thy youth, why live?
The land of honorable death
Is here: up to the field, and give
Away the breath.

(Byron. On this day I complete my Thirty-sixth day)

Таржимада муаллифнинг ифода тарзини, жумлаларнинг қисқалиги ва муаллифнинг нафасини, шеърий образни, унинг шиддати, қисмати ва қарорини ифодалаш учун жумлалар тузилишига, ритмга, оҳангга эътибор бериш лозим.

Ёш умринг хазон экан.
Яшаш нега? Жангга кир!
Унда шараф, шон, ўлим.
Сен шу ерда жонни бер.

Айниқса “блюз” жанрида ёзилган шеърни таҳлил қилганда, бир банд, бир жумладан иборат эканлигини сезамиз.

Мисол,
Must he the Black Maria
That I see
The Black Maria that I see –
But I hope it
Ain't eomin' for me.

Таржимада бундай жумла тузилишини сақлашга тўғри келади.

Таржима:
Қани энди Мария
Мени кўрган ўша
Қора Мария
Олмайин мени
Ўтса-да, кетса.

“Қора Мария” ўзига хос сўз (реалия) бўлиб, хибсга оладиган машинани билдиради. Инглиз шеъриятида “and” боғловчисининг тез-тез ишлатилиб келишини албатта сезамиз. Бу ҳол “вазнни” сақлаш, жумлаларни бўрттириб кўрсатиш учун ишлатилади ва шу билан мисраларни бир-бирига боғлаш учун, яхлит бир матн тузиш учун ҳам хизмат қилади. Шу боис, ўзбек тилидаги шеърни инглиз тилига таржима қилишда юқорида келтирилган мисоллардан хулоса чиқариб, инглиз шеърияти руҳида таржималар қилиш лозим.

Мисол,
Вақтим етиб чикса бу жоним
Дардларимга ясалса якун.
Бу дунёни тарк этган оним
Эшигингдан ўтарман бир кун.
(Омон Матжон “Эшигингдан ўтарман...”)

Таржима:
And when death comes and stands by,
And my griefs are gone away,
And on the bed of death I lie
I'll pass by your door some day.

Бундан ташқари, ўтган замонда ишлатилган тўғри феъллардаги –ed суффикси, баъзи ҳолларда қисқартирилиб ишлатилади.

Мисол

If ever any beauty I did see.

Which I desir'd, and got, 'twas but a dream of thee.

(John Donne "The good-Morrow")

Умуман олганда, инглиз шеъриятида қисқартирилган сўзлар деярли ҳар бир шеърда учрайди. Жумла **it is** деб бошланиш ўрнига **'Tis** деб бошланади.

Мисол

'Tis true, than learn how false fears be.

(John Donne. The Flea.)

Even сўзи "e'en" деб ёзилади ва бу ҳол мисранинг ўзининг кофиядош мисраси билан бир хил ўлчовда бўлишига асос бўлади.

Bid me despair, and I'll despair

Under that cypress-tree

Or bid me die, and I will dare die

E'en Death, to die for thee.

Ўзбек тилидаги шеърларни инглиз тилига таржима қилар эканмиз, ушбу ҳолатларга эътибор беришимиз ва инглиз шеърияти қонун-қоидаларига асосланиб шеърни қайта яратиш керак, бунда шакл ва мазмун бирлигига риоя қилишимиз зарур бўлади.

Мисол,

Кўзларингдан неча су келгай деб, ўлтурманг мени

Ким, бори қон эрди келган, бу кеча су келмади.

(Алишер Навоий)

Таржима:

And 'tis not me who's to be blamed for heavy rains pour'd
from sore eyes,

And there were not tears, but blood of mine, thus night tears
fail'd to come.

Ташқи кўринишдан ўзбек тилидаги жумлалар калта ва ихчамдек кўринади, ҳаммаси бўлиб 18 та сўз ишлатилган, лекин бу 18 та сўз 30 та бўғиндан иборат. Инглиз тилида эса бу бандда 30 та сўз иштирок этган ва бу сўзлар 32 бўғиндан иборат. Шундай қилиб, инглиз шеъриятида бир бўғинли сўзлар кўпроқ ишлатилади деган қоидасига амал қилган ҳолда, ўзбек арузини инглиз тилида қайта яратилишини кўриш мумкин. Аслиятдаги мисрадаги синтагмалар (гапнинг маъноли бўлиниши) таржимада акс этган. Худди шу банднинг К. Мамуров томонидан қилинган таржимасини таҳлил қиламиз.

Don't humilate me by saying my eyes shed much water...

All that I shed was blood, but that night, even tears did not come.

At first he tried to hammer an excuse Он даже попытался извиниться.
And hast comman of every part
To live, and die for thee.

(Robert Herric)

Ўзинг ҳал қил: ўлайми
Ё қолайми сен учун?

2. Субстантив сўз бирикмаларни от ёки сифат билан алмаштириш.

Dead scandals form good Шумила только
Subjects for dissection. Славу создаёт.

Ye mustering thunders from above
Your willing victom see!

(R. Burns)

Сен-чи, кўкдаги чакмоқ
Севги қурбониға боқ.

3. Сўз бирикмаларини ҳар турдаги олмошлар билан алмаштириш.

The bard I quote from does not sing amiss.

Стихи поэта этого сильны.

4. Лексик-семантик қисқартириш.

Besides, the prince is all for the land-service,
Forgetting Duncan, Nelson, blove and Jervis.

Великих адмиралов имена забыл кароль, забыла всё страна.

The sword, the banner, and the field

Glory and Greeece, around me see!

(Byron)

Атрофимда жанг, майдон,
Ғалаба ва сен, Юнон!

“sword”, “banner”, ва “glory” (қилич ва байроқ) сўзлари “жанг” ва “ғалаба” деб берилган.

5. Қўшма гапларни содда гап билан алмаштириш.

What then? – I do not know, no more do you.

Ну что потом! – Ни вы, ни я не знаем.

Seek out –less often sought than found –

A soldier’s grave, for thee the best;

Then look around, and choose thy ground

And take thy rest.

(Byron)

Атрофга боқ! Топ, изла

Аскар ётган манзилдан

Сен ўзингга жой танла

Ва сўнг, сен ҳам ором ол.

Юқоридаги трансформация турлари аслиятдаги ритми, бандни таржимада бериш учун қўлланилади.

А.М. Капуленконинг таъкидлашича, таржиманинг энг муҳим вазифаси аслиятдаги оҳангни таржимада қайта яратишдир¹. Бу учун:

1. Ҳар бир мисрада мазмун ва шакл бирлигини таъминлаш.
2. Кириш сўзларни, ибораларни, ундов сўзларни сақлаш.
3. Аслиятдаги тиниш белгиларига риоя қилиш.
4. Ритмик эвроник элементларни сақлаш, кофияланиш усулини иложи борича сақлаш.
5. Сўзларни ҳаддан ташқари бўрттириб бермаслик.

Мисол,

Ошиқ ўлгач кўрдим ўлумни ўзимга, эй рафиқ.

(Мирзо Бобур)

O friend, and when in love fell I for death did cry I.

No, no, the utmost share

Of my desire shall be?

Only to kiss the air

That lately kissed thee

(R. Herrick)

Йўк, йўк, жонон, ҳеч қачон

Бу орзуим ушалмас

Юзингни силаб ўтган,

Елни ўпсам, ўшал бас.

Шуни айтиб ўтиш керакки, наср таржимасида қандай трансформациялар ишлатилса, назм таржимасида ҳам худди шундай трансформация турлари ишлатилади.

1. Синонимлар билан алмаштириш.

Мисоллар,

Heart-кўнгил

Sound and free – бутун, озод

Soft – мулойим

Kind – сахий

A heart as soft, a heart as kind,

A heart as sound and free.

(R. Herrick)

Кўнгил сахий, мулойим

Ҳам озоду, ҳам бутун.

2. Конкретизациянинг ишлатилиши.

Only to kiss the air

That lately kissed thee.

Юзингни силаб ўтган

Елни ўпсам, ўшал бас.

¹ Капулунко А.М. «Некоторые проблемы репродукции поэтический интонации при переводе с английского на русский (на материале сонетов Шекспира). Вопросы теории и практики перевода. Иркутск.; сбр. Науч. трудов-вып. 2. 1999.

“thee” (сен) сўзи “юзинг” сўзи билан берилган. “the air” (ҳаво) деган сўз “ел” деган сўз билан берилган.

3. Генерализация (улуғлаш) нинг ишлатилиши.

With fire in thy heart
And a fire in thy brain.

(R. Southey)

Ўтдай тутасин кўксинг
Олов бўлиб ёнсин бошинг.

Таржимада синоним сўзлар ва умумлаштириш ишлатилган. “brain” деган сўз “мия” деган таржима қилинади.

Метонимик алмаштиришнинг ишлатилиши.

I charm thy life
From the weapons of strife
From stone and from wood.

(R. Southey)

Таржима:

Асрагум сени доим
Душманларнинг ўқидан.
Четдан отилган тошдан
Ҳам калтаку, ҳам муштдан.

Юқоридаги 3 мисра таржимасида, трансформациянинг кўпгина турлари қўлланилган.

Thy life – сени (конкретизация)
Charm – асрагум (матн мазмунига кўра алмаштириш)
Weapon – ўқ (конкретизация)
четдан отилган тошдан (сўз кўшиш)
wood – калтак (метономияга асосланган алмаштириш)
strife – душман (синоним сўз билан алмаштириш)
Ташлаб кетиш (қурбон бериш)
But boundless oceans, roaring wide,
Between my love and me
They never, never can divide
My heart and soul from thee.

(R. Burns)

Таржима:

Ҳайқириб энди уммон
Ташлар мени ҳар томон
Лек узолмас қалбимни
Сендан, ёрим, ҳеч қачон.

Таржимада “boundless” (чексиз, чеки йўқ) сўзи, “wide” (кенг) сўзи, “love” (севги) сўзи, “soul” (жон) сўзлари қурбон берилган.

Ўз-ўзидан маълумки “уммон” чексиз, бепоён бўлади, ҳайқирмоқ сўзи ўзида баланд товуш билан кичқиришни билдиради, “love” севги сўзи ўрнига “ёрим” сўзи ишлатилган. Ўзбек тилида “heart” ва “soul” сўзларини битта сўз яъни “қалб” деб берилган. Демак аслиятдаги мазмун, ғоя, оҳанг, ритм

таржимада акс этган. Фақат вазн ўзгарган, 3 стопали ямб ўрнига, хижо вазни, яъни 7та бўғин такроридан фойдаланилган.

Антаномик таржиманинг ишлатилиш намуналари.

Awake! (Not Greece – she is awake!)

(Byron)

Уйғон! (Ухламас Юнон!)

Is awake (уйғоқ) деган сўзлар, “ухламас” деб берилган.

Грамматик трансформацияларнинг ишлатилиш намуналари.

1. Бир сўз туркуми ўрнига бошқа сўз туркумининг қўлланилиши.

Мисол,

I dare not ask a kiss

I dare not beg a smile.

(R. Herrick)

Бир ўпич деб айтолмам

Хиёл кул ҳам дейолмам.

Отларнинг сон кўрсаткичларининг ўрин алмашиши:

That art my life, my love, my heart

The very eyes of me.

(R. Herrick)

Ҳаётим, севгим, жону

Кўрар кўзим сен ўзинг.

Lambs frisk and play, the shepherds pipe all day.

(T. Nashe)

Кўзичоқ ҳар ён сакрар, чўпон тинмай най чалар.

“pipe” сўзи аслиятда най чалар деган маънони англатади. “All day” сўзлари “тинмай” сўзи билан компенсация қилинган.

Аниқ нисбат ўрнига мажҳул нисбат, мажҳул нисбат ўрнига аниқ нисбат ишлатилиши мумкин.

Ғазал гуфтаву дур суфти, биёву хуш бихон Ҳофиз.

Ки бар назми ту афшонад фалак икди Сурайёро.

(Ҳофиз Шерозий)

The gazelle is sung, pearl is strung, come, oh Hofiz and sing in tunes

May Surayyo loose the chain of gems over thy poem,

emerged out of heart.

(Д. Султанова таржимаси)

Шеърят таржимасида инверсия (гапда сўзларнинг ўрин алмашиши) тез-тез учраб туради.

No time to wait till her mouth can

Enrich that smile her eyes began.

(W. H. Davies)

Кўзидаги табассум лабларида очилар,

Қачон ханда қилишин кутишга ҳам вақт бўлмас.

Ўзбек шеърятти қонун – қоидасига биноан, ўзбек тили флектив тил бўлганлиги боис, мисрада бўғинлар сони 1,5 мартага ошган. Бу ҳол сўзларга суффиксларнинг қўшилиши сабабли рўй берган.

Тасвирий таржиманинг берилишига мисол:

Alas! Thy cruelty!

(T.Wyatt)

Бағринг тош экан, билмабман, э воҳ!

Ташлаб кетиш, қурбон бериш.

I saw it in my dreams.—Тушимда кўрдим.

Сўзма-сўз таржимаси “Кўрдим буни мен ўзимнинг тушимда”.

VII БОБ. ПОЭТИК МАТН ТАРЖИМАСИНИНГ ПРАГМАТИК МУАММОЛАРИ

Поэтик матн ўзига хос хусусиятларга эга ва бу хусусиятларни бошқа бир тилга ўтказишда таржимон қийинчиликларга учрайди. Шу боис баъзи бир муаллифлар поэтик матнни таржима қилиб бўлмади деб айтишади. Таржима жараёни энди фақат тилшунослик билангина боғланмасдан, балки психология, психоллингвистика фанлари билан ҳам алоқага киришди. Таржимашунослик фанига янгича қарашлар пайдо бўлди. Шундай қарашлардан бири когнитив диссонансдир. Бунга мисол қилиб Захриддин Муҳаммад Бобурнинг ғазалларидан бирининг («Чархнинг мен кўрмаган...») рус шоири А.М.Пенковский томонидан қилинган таржимасини таҳлил қиламиз:

Мени ўлтурда жафою жабр бирла ул қуёш,

Энди тиргузмак учун меҳру вафоси қолдиму?

Русча таржимаси:

Несправедливое Солнце! Чем ты меня сокресишь?

Найдется ли благодетство, верность и стыд на земле?

Таржимада банд тузилиши сақланган. Ўлчам ҳам сақланган деса бўлади.

Аммо ритмик оҳанг қайта яратилмаган. Энг ката камчилик таржимоннинг «фон билим»га эга бўлмаслигидир. Ўзбек шеъриятида айнан шу ғазалда «қўёш» сўзи кўчма маънода ишлатилган, яъни «ниҳоятда гўзал» ва «озор берувчи қиз» тасвирланган.

Иккинчи мисрада «стыд» сўзининг ишлатилиши умуман ғазал мазмунига ётдир. Таржимон бу сўзни радиф олдида қофиядош сўз сифатида киритган (обид-скорбитель-стыд-ужаснить-ядовитъ).

Умуман олганда, ғазал мазмуни таржимада тўғри берилмаган. Когнитив диссонанс бартараф қилинмаган.

Когнитив диссонанс деб аталувчи назариянинг асосчиси америкалик руҳшунос Л.Фрестингердир. Когнитив диссонанс назариясининг асосини билим тизимидаги номуқобиллик ташкил этади. Бу номуқобиллик руҳий қониқишга олиб келмайди ва бу ҳодиса руҳшуносликда диссонанс атамасини олган. Таржима ижодий фаолият бўлиб, у когнитив диссонанс шароитида иш юритади, чунки аслият тили билан ўзгарувчи тил орасида турли хил фарқлар мавжуд. Г.Д. Воскобойникнинг қайд қилишича, ҳали бу когнитив диссонанснинг бир тури холос. Унинг фикрича, таржима фаолиятида когнитив диссонанс аслият матнига мос келадиган воситани танлашда қийинчиликларга учрашдир. Таржимон олдида икки асосий йўл (мақсад) бор, у шаклга мослашиши ёки коммуникатив мақсадни кўзлашги лозим бўлади. Воскобойник поэтик матнга 3 томонлама ёндошиш лозим дейди:

Биринчидан- мазмун бўйинча (смысловом, «что сказано»), иккинчидан- услуб бўйинча (стилистически, «как сказано»), учинчидан- прагматика бўйинча (прагматически, «какую реакцию вызывает сказанное у читателя»)¹.

Ҳақиқатдан ҳам матнга ҳар томонлама ёндошиш лозим, зеро матн стилистик, семантик ва прагматик хусусиятларга эга. Матннинг прагматик хусусиятларини таҳлил қилганимизда биз дискурсив фаолиятни назарда тутамиз. Ҳозирги вақтда дискурс масаласига ҳар хил ёндошишлар мавжуд, аммо улар орасидан М.А.К. Холлидейнинг назариясини танлаб, унга асосланиб дискурсининг асосий уч томонини, яъни мавзу майдонини («поле», тема), иштирокчилари (участники, коммуниканты) ва ифода тарзи (способ выражения, регистр)ни олаемиз. Таржимон учун матннинг «тема»си ва унинг «коммуникант»лари муҳим роль ўйнайди, яъни ушбу тема орқали коммуникантлар қандай мулоқотга киришди, тингловчи ёки ўқувчи қандай ҳолатга тушди, қандай муносабат билдирди? Албатта ифода тарзи ҳам бу ўринда муҳим роль ўйнайди.

Дискурсининг икки тури мавжуд: институцион ва шахсий. Институцион дискурс илмий мақолаларда, қонун чиқарувчи матнларда ишлатилади. Бунда муаллифнинг роли аниқ бўлмайди. Шахсий дискурсда муаллиф иштирок этади. Институцион дискурсга тааллуқли матнларни таржима қилишда муқобиллик (эквивалентлик), шахсий дискурсга тааллуқли матнни эса адекват (муқобил) таржима асосида ўгириш лозим бўлади.

Эквивалент таржимада аслиятдаги мазмун, услуб ва унинг функционал-коммуникативлик хусусиятлари сақланади. Адекват таржима эса прагматик вазифани бажаради, эквивалентликни максимал даражада беришга ҳаракат қилади, шу билан бирга аслият тили ва ўгирувчи тил нормалари, матннинг жанри ва услуби талабларига риоя қилинишини талаб қилиб, таржиманинг конвенционал нормасига мос келишини назарга олади.

«Поэтик матннинг ўзига хос муқобиллик қонун-қоидалари мавжуд. Таржима фақат аслиятга тобора яқинлаша боради, бундан ортиқ эмас» (В.С. Виноградов, 2001).

Поэтик матн орқали бериладиган информацияни икки хил категорияга бўлиш мумкин: бири мазмунга таллуқли ахборот, бунда мазмунга доир воқеалар берилади, иккинчиси эстетик ахборот бўлиб, бунда мураккаб информация мажмуалар иштирок этади. Ана шундай мураккаб информация тузилишни бошқа тилга олиб ўтиш анча қийин, таржима тилида бу мураккаб информация бир-икки жумла орқали берилиши мумкин. Поэтик матн ўзига хос нутқ фаолиятидир. Поэтик матнда ритм ҳам, товуш ҳам, оҳанг ҳам образ яратишга хизмат қилади, улар сўз ёки иборани эмоционал ва бўёқдор қилишга хизмат қилади. Нутқнинг бу бирликлари бир-бири билан боғлиқ бўлиб, бутун бир ифодавий тизимни ташкил қилади. Ушбу тизим орқали шоир ўз қаҳрамонининг руҳий кечинмаларини, ҳолатини ифодалайди ва шу билан прагматик мақсадга эришади. Ҳар бир ижодкор ўзининг миллий урф-одати, маданияти, образ яратиш аънаналарига риоя қилади. Ҳар бир тил ўзининг шеърый тизимига эга бўлади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда таржимон образни

¹ Воскобойник Г.Д. когнитивный диссонанс и теория перевода. ИГЛУ. Вопросы теории и практики перевода. Вып.3 Серия Лингвистика. №6, 2001.

беришда аслиятда қўлланилган услубни бериши ва шу билан бирга ўгирувчи тил услубига ҳам риоялиниши лозим.

Мисол:

Spring, the sweet spring, is the years's pleasant king.

(Thomas Nashe. 1567-1601)

Аслиятда баҳорни тасвирлашда метафора ишлатилган. Баҳор бу - йилнинг гўзал қироли деб таърифланган. Аммо ўзбек миллати баҳорни гўзал келинчакка ўхшатишади, эркак зотига эмас, балки аёл зотига, табиатни эса онага қиёслашади.

Шу ўринда аслиятдаги дискурс билан таржимадаги дискурсни тенглаштириш мақсадида когнитив диссонансни бартираф қилиш лозим бўлади:

Баҳор, баҳор, гул баҳор, келинчакдек мафтункор.

Ички қофияни сақлаш мақсадида «мафтункор» сўзи танланган. «sweet spring» деган бирикмаси «гул баҳор» бирикмаси воситасида таржима қилинган, чунки ўзбек тилида «ширин баҳор» дейишмайди. Поэтик матннинг гўзаллиги унинг ёрқин образлар билан безатилишидадир. Уйғониш даврида ва Шекспир даврида образлар асосан метафора, ўхшатиш услублари орқали яратилган. Таржимон образни сақлаш билан бирга аслиятдаги замон ва макон руҳини ҳам бера билиши лозим, модернизацияга, яъни матнни бошдан охиргача замонавий тилбилан қайтадан яратишга интилиш шарт эмас. Замон руҳини бериш учун маълум ҳолатларда архаик сўзларни ва грамматик шаклларни ишлатса бўлади.

Мисол:

But bid the strain be wild and deep,
Not let thy notes of joy be first.
I tell thee minstrel, I must weep,
Or else this heavy heart will burst.

(Byron)

Таржимаси:

Лек ёввойи бўлсин куй, бўсин теран ва мунгли,
Менга моси - фақат ғам.
Куйла сен, мутриб куйла, мен тўкайин ёшимни

Аслиятда қайд қилинган замон ва макон руҳига мос келган сўзлар «minstrel» ва «thy» сўзларини таржимада «мутриб», ва «лек» деган сўзлар ишлатилиши билан аслиятдаги миллий колорит сақланган ва таржимада тўла модернизацияга йўл қўйилмаган. Муаллифнинг ифода тарзи, яъни индивидуал услуби таржимада акс этган. Лексик трансформациялар ишлатилган.

«Поэтик матн билан ишлаганда, нимани сақлаш керак ва нимани қурбон бериш мумкин эканлигини таржимон билиши лозим. Таржимада ўша замон руҳи, шарт-шароити, турмуш тарзи, ўша замон кишиларининг дунёқарашлари, шоирнинг ижодкорлик фаолиятини ҳамма-ҳаммасини бера билиш керак»- деб қайд қилади Гиви Гачечиладзе¹.

Масалан қўйидаги парчани олайлик:

¹ Гачечиладзе Гиви. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. –М.: «Советский писатель». 1980, 253с.

An exile, frac her father' ha;
And a for loving thee.
At least some pity on me show
It love it may na be.

(Robert Burns. 1759-1796)

Ушбу банд Р.Бёрнснинг “Lord Gregory” номли балладасидан олинган. Ўша замонларда, яъни XVIIIасрда Шотландияда қизларнинг никоҳдан ўтмай туриб йигит билан яқин алоқада бўлиши қораланган, бундай қиз оиласига иснод келтирган. Баллада шотланд диалектида ёзилган, таржимаси анча қийин, аслиятдаги дискурсни таржимада бериш учун лексик, грамматик трансформацияларни қўллашга тўғри келади.

Грамматик трансформациялар:

Бир сўз таркуми ўрнига бошқа сўз таркуми ишлатилади:

An exile-қувғин - қувилдим

От - феъл

If love it may na be - гар севмасанг

От - феъл

Лексик трансформациялар:

Ha (hause) - «уй» маъносида ишлатилган, «хона» деб таржима қилинган.

Конкретлаштириш амалга риоя қилинган:

Some pity on me show- «Менга раҳм қил» деган маънони англатади, лекин «Сен қувма остонангдан» деб таржима қилинган. Бу ерда контекстуал ёки окказионал муқобиллик яратилган. Бундай таржима амалидан фақат шу ҳолда, маълум контекстда фойдаланиш мумкин.

Таржимаси:

Григори, сен туфайли

Қувилдим ўз хонамдан,

Гар севмасанг ҳам мени

Сен қувма остонангдан.

Таржимада мисралар жойи алмашган, лекин таянч сўзлар, иборалар асосан сақланган, қофияланиш тартиби сақланган. Жумлаларнинг ўрни алмашган бўлса ҳам, уларнинг синтактик қурилиши, яъни тўсиқсиз ҳол эргаш гапи таржимада сақланган.

Таржимада, айниқса узоқ тиллардан таржима қилишда, когнитив диссонанс аслиятдаги «вазн»ни таржимада бера олмаслиги яққол намоён бўлади. Инглиз тил шеърини асосан силлабо-тоник вазнда ёзилади, ўзбек тили шеърини кўпинча «бўғин» («бармоқ») вазнида ёзилади. Шу боис ямб вазнида (урғусиз ва урғули бўғинларнинг тартиб билан алмашиб келиши) ёзилган шеърни бармоқ вазни билан беришга тўғри келади.

Мисол:

It is the hour when from the boughs

The nightingale's high note is heard.

It is the hour when lover's vows

Seem sweet in every whispered word.

(Byron)

Шеър тўрт стопли ямб вазнида ёзилган, таржимада эса бармоқ вазни (4+4) берилган.

Таржимаси:

Шу дам боғда булбул сайрар
Авжи келиб шўх-шўх сайрар.
Шу дам ошиқ айлар висол
Ҳар сўзидан томадир бол.

(Д.Султонова иаржимаси)

Таржимада аслиятдаги метрик ўлчов, ритм сақланган. Параллел конструкция қайтадан яратилган. Аммо қофияланиш тартиби ўзгарган.

Шеър тушунарли, сода тилда ёзилган, инглиз шеъриятига хос қиски сўзлар ишлатилган. Кўпчилик сўзлар бир бўғиндан иборат. Таржимада бу ҳолни сақлашнинг иложи йўқ, чунки ўзбек тили флектив тил бўлиб, сўзлар қўшимчалар орқали боғланади. Аммо таржимада ҳам ритмни сақлаш мақсадида қисқа сўзларни ишлатиш, ўзбек халқ оғзаки ижодига мос сўз ва ибораларни танлаш тавсия қилинади.

Поэтик матнда реалиялар ҳам учраши мумкин.

Мисол:

Winter is the king of showmen,
Turning tree stumps into snowmen,
And houses into birthday cakes,
And spreading shugar over lakes.

(Ogden Nash, 1902-1971)

«Birthday cakes» сўз бирикмасини «Туғилган кунда ейиладиган торт» деб тушунамиз. Аммо торт сўзини таржимада бериб бўлмайди. «Birthday cakes» сўз бирикмаси, «shugar», «showmen», «snowmen» сўзлари метафора бўлиб, қорни тасвирлашда ишлатилган.

Таржимаси:

Қиш кўрсатар томоша-
Қаранг-чи, эрта тонгда,
Қорбобо бўпти тўнка;
Том устида оқ ҳолва
Туғилган кунга совға.

(Д.Султонова таржимаси)

Аслиятдаги барча таянч сўзлар таржимада берилган, образлар қайта яратилган, аммо мисралар сони ошган. “Cakes” сўзи «оқ ҳолва» деб берилган. Аслиятдаги миллий руҳ сақланган ва шу билан бирга таржимада уйларнинг ўша даврга хос кўриниши, қор ёққанда томлар томлар оппоқ қор билан қоплангани тасвирланган.

VIII БОБ. ОБРАЗ ВА УНИНГ ТАРЖИМАДА АКС ЭТИШИ

Образ деганда биз «тасвир», «сиймо», «тимсол»ни тушунамиз. Бир тилда яратилган бадий образни иккинчи тилда лайта яратиш анча мушкулдир. Чунки кар бир тилнинг ўзига хос бадий ифода тарзи бор ва кўп йиллар давомида шаклланган, шу тилда сўзловчи миллатнинг урфу одати, турмуш тарзини акс эттиради. Бундан ташлари кар бир шоирнинг, ёзувчининг ўз услуби бор, ифода тарзи бор. В. А. Зарецкий таъкидлашича, бошля сабаблар бор. «Сложнообразная информация не создаётся взаимодействиям только словарных значений, в ней участвуют и звукозапись, и ритма – мелодика и внутренняя форма слов».¹

И. В. Арнольд образ яратишда луйидаги структурани таклиф этади:²

1. Ифодаланувчи (the tenor) – нима калыда?
2. Ифодаловчи (the vehicle) – нима билан лийсланаяпти?
3. Лийсланиш асоси (the ground) – нима асосида лийсланаяпти?
4. Ифодаланувчи ва ифодаловчи ўртасидаги муносабат.

Лийслаш йўли, лайси троп билан берилиши.

Лийслашнинг грамматик, лексик хусусиятлари.

Кар бир образ, асосан, бир-биридан анча узоль бўлган предметларнинг ўхшашлиги асосида яратилади. Предметлар бир-биридан анча узоль, уларнинг лийсланиши кутилмаган кодиса бўлиши ва бу кол ўлувчининг дильлатини жалб лийлиши мумкин. Л. Пеньковскийнинг «Алпомиш» достонидан лийлган таржимаси куйидагича:

Зубы – жумчуга у Барчин,
Юная сайга ай – Барчин.
Полумесяц серга у Барчин,
Стан кипариса у ней,
Лица полнолуния нежней,
А глаза газельи у ней...

Таржимада образни лайтадан яратилишини таклил лийламиз.

- I. Ифодаланувчи: 1) зубы; 2) серга; 3) лицо; 4) стан; 5) глаза.
Ифодаловчи: 1) жемчуг; 2) полумесяц; 3) полная луна; 4) кипарис; 5) газель.
- II. Лийсланиш асоси: 1. Ранги (оль); 2. Шакли; 3. Ташлы кўриниши, ёруҳлиги; 4. Шакли; 5. Ташлы кўриниши, кажми.
- III. Ифодаланувчи ва ифодаловчининг бир-бирига муносабати: конкрет нарса конкрет нарса билан лийсланаяпти, лекин улар бир-биридан узоль.
- IV. Лийсланиш техникаси: лийслаш, сифатлаш, муболажа.
Параллел конструкциянинг ишлатилиши.

Бадий сўзлар «лика», «стан», юная»нинг ишлатилиши, аллелерациянинг ишлатилиши, миллий колоритни сальлаш учун «газель» сўзининг ишлатилиши.

Барчин турар курдай бўлиб,
Тиши гавкур дурдай бўлиб.
Жамоллари ойдай бўлиб,
Мисли асов тойдай бўлиб
Бир минг луйли боҳдай бўлиб
Льуралай кўзи чўҳдай бўлиб.

¹ В. Н. Зарецкий. Образ как информация. Вопросы литературы, 1963, № 2.

² И. В. Арнольд «Стилистика современного английского языка» Л.: – 1973. 142-143 стр.

- | | |
|-----------------|--------------------------------------|
| 1. Ифодаланувчи | 1. љиз (Барчин). |
| 2. Ифодаловчи | 1. Кур (пари, гўзал). |
| Ифодаланувчи | 2. тиш / 3. юзи / 4. љиз / 5. кўзи |
| Ифодаловчи | 2. гавкар / 3. ой / 4. той / 5. чўҳ. |
| | 6. љиз / |
| | 6. боҳ / |

Таклилдан англашиладики, аслиятдаги образ таржимада тўласинча яратилган эмас, лекин шундай бўлса кам рус китобхони олдида жонли Барчин гавдаланади. Шу жиқатдан аслиятда ишлатилган бадий ифода тарзи таржимада акс эттирилган, деса бўлади.

И. В. Арнольд таклиф этган тизимни инглиз тилидан ўзбекчага љилинган таржима таклилида љўллаймиз.

I saw thee weep – the bright tear
 Came o'er that eye of blue
 And the methought it did appear
 A violet dropping dew.

(J. Byron).

- | | | |
|--|--|------------|
| 1. Ифодаланувчи | 1. tear | 2. eye. |
| 2. Ифодаловчи | 1. dew | 2. violet/ |
| 3. Йиёсланиш асоси. | 1. шакли. | 2. ранги. |
| 4. Ифодаланувчи ва ифодаловчи ўртасидаги муносабат | иккита конкрет нарса љиёсланапти, лекин улар бир-биридан узољ. | |
| 5. Йиёслаш йўли | метафорик сифатлаш, жонлаштириш. | |

Грамматик хусусияти.

Кучайтирувчи «did» ишлатилиши.

Шеърятга хос бўлган, ўша замон тилини ифодаловчи «thee», «methought» сўзларининг ишлатилиши.

«Over» сўзи ўрнига «o' er»нинг ишлатилиши.

Инглиз шеърятда бунга ўхшаш љисљартиришлар кўп ишлатилади.

М: 'T is – IT is

ain't – are not

playin' – playing

T'will – it will.

Энди юљоридаги тўртликнинг ўзбек тилидаги муљобилини љараб чиљамиз:

Сен йиҳларсан – ёш ољар

Ул мовий кўзларингдан.

Гўё шабнам тўкилар

Бинафшагул кўксидан.

- Ифодаланувчи: 1) ёш; 2) књз; 3) кўз.
- Ифодаловчи: 1) шабнам; 2) бинафша; 3) књкси.
- Йиёсланиш асоси: 1) шакли; 2) ранги; 3) жойи
- Улар ўртасидаги муносабат: улар конкрет нарсалар, лекин бир-биридан узољ.
- Йиёслаш йўли: ўхшатиш, метафора, жонлантириш.
- Грамматик хусусияти: грамматик шаклнинг ўзгариши. I saw thee weep. Сен йиҳларсан.
- Лексик хусусияти: «bright» сўзининг љурбон берилиши, ўз навбатида «гул», «кўксидан» сўзларининг љўшилиши.

IX БОБ. ҒАЗАЛ ШАКЛИНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ

Ғазал нима? Ғазал – бу 5 байтдан 9-11 байтгача бўладиган биринчи байтнинг мисралари ўзаро љофияланиб, љолган байтларининг иккинчи мисраси биринчи байт билан љофиядош бўлган шеър. Охирги байтда муаллифнинг тахаллуси келтирилади. «Лекин бу шаклий белгиларига кўра берилган таърифдир, холос,¹ дейди Ғ. Саломов.

Чунки шеърий таржимага асарнинг жанр тузилиши, шаклий белгилари катта таъсир кўрсатади. Мисол учун Шаръ шеъриятининг љасида, Ғазал, рубоий каби жанрларни бошља тилга таржима љилганда улардаги муқим шаклий жиқатлар сальланмаса, оқанг кам, маъно кам юзага чильмай љолади. Ғазалнинг қар бир байти ўзидан олдинги байт билан љофия, радиф, вазн орљали, шоирнинг кафиятини ифодалайдиган интонация билан узвий бољланиб келади. Бу шеърнинг яхлитлигини таъминлаб, ўљувчига кучли таъсир этадиган бадий воситадир.

Бу тарафдан сонет билан Ғазал ўртасида ўхшашлик бор. Сонет кам, Ғазал кам љадимий жанрлар туркумига киради. Ишљ-мукаббат мавзуларини, лирик чекинмалар, нозик хиссиётларни ифодалаш учун хизмат љилиб келган. Сонетда ифодаланган поэтик мазмунни ўзбек тилида тиклаш учун унинг композицияси, љофияланиш тартибини мукамал сальлаш зарур бўлганидек, Ғазални Ғарб тилларига таржима љилишда унинг љофияланиш тизими, радифи, байтларининг жойлашуви, матлаъ ва малтаъ орасидаги яхлитлик, шоир кафиятини ифодалайдиган интонация, пафос – буларнинг барчаси мавжуд бўлиши лозим. Бундан ташљари қар бир Ғазалнависнинг баён тарзи севган мажозий маънолари, сўз ўйинлари, ёппасига оқангдош мисралар колорити, товушлар такрори... Буларни ўљувчи қис љилсагина таржимон мувафљалиятга эришган бўлади.

Шаръ адабиётидан немис, инглиз, рус тилларига таржима љилувчилар бу борада кўп йиллар давомида тажриба олиб бордилар, бир неча намуналар яратдилар, қар хил усулларни синаб кўрдилар. Кўпчилик таржимонлар Ғазалнинг байт тузилишини беришга риоя љилдилар. Аксарияти арузнинг ўзини акс эттираолмаган бўлса-да, шарљона оқангни бир љадар ифодалайдиган шеърий интонация қосил љилишга уриниб кўрдилар. Бу усул қозир кам давом этмольда. Атољли таржимашунос Иржи Левий квантатив (метрик) вазнга асосланган љадимги шеъриятни (юнон, рим, форс, туркий шеърлар) қозирги Европа тилларига таржима љилиш талабларини тақлил љилиб, љуйидаги назарий хулосаларни баён этган:²

1. Вазни сальлаш. Бунда шеъриятнинг ритмикаси фалъат бир гурук ўљувчиларга хазм бўлиши мумкин.
2. Бошља вазнга ўтказиб ўгириш.
3. Эркин шеър билан таржима љилиш.

Ғазални рус тилига ўгириш мушкуллиги хусусида Е. Дунаевский шундай ёзади: «Ғазал формасини рус тилида бериш қаддан ташљари оғир вазифа... Формани аниљ љайта яратишнинг иложи йўљ, деб қисоблаймиз...».³

Шунга љарамай Алишер Навоийнинг маълум ва машқур «Кеча келгумдир дебон...» деб бошланадиган Ғазалининг В. Рождественский рус тилига љилган таржимаси анча мувафљалиятли чильлан:

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйљу келмади.
Лақза-лақза чильтиму, чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимаю ул шўхи бадхў келмади.

¹ Ғ. Саломов. Дњстлик књприклари. Ғ. Тулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т.: – 1979. 156 б.

² Иржи Левий. Искусство перевода. М.: «Прогресс». – 1974. 255 стр.

³ Дунаевский Е.О. О переводе газели. М.: 1935. стр.

Кипарис мой – ты сказала, – жди меня! – и не пришла,
Я не спал всю ночь, дождался света дня, – ты не пришла.
Поминуто выходил я на дорогу ждать тебя,
Поминуто умирал я, жзнь кляня, – ты не пришла.

В. Рождественский байт тузилишини беришга риоя льилган. Шунингдек, льофияланиш тизими радифи, байтларнинг жойлашуви, мисралардаги бўђинлар сони таржимада сальланган, вазн ўзгарган бўлсада, шарљона оќангни ифодалайдиган шеърый интонация ќосил бўлган.

Энди айни шу ёазалнинг Љ. Маъмуров томонидан инглиз тилига льилинган муљобилини олиб лъараймиз:

Thought she had promised, that night my willowy beauty
did not come
That night, till very dawn, sleep
did not come.

My suffering drove me to scan the road again and again,
But though my heart was about break,
The frolicsome one didn't come.

Кўриниб турибдики, Љ. Маъмуров¹ байт тузилишини чиройли льилиб беришга эриша олмаган. Мисралардаги бўђинлар сони ќар хил – биринчи байтнинг олдинги мисраси 16 бўђиндан иборат бўлса, кейинги мисраси 11 бўђинга айланиб льолган. Радифни беришга ќаракат льилгану, льофия лъайта яратилмаган. Аслиятдаги товушлар такрори, эвфония ќолати лъайта ќосил льилинмаган. Аслиятдаги биринчи байётда (ќ) товуши 6 марта такрорланган, (е) унли товуши ќам 6 марта такрорланган. Таржимада бу ќолатни сезмайсиз. Умуман Навойга хос нутљый гўзаллик шакли ва олами лъайта яратилмаган, шарљона оќангни ифодалайдиган шеърый интонация ќосил бўлмаган, охирги 6-7 байтлар шеърый ўлчовдан, ритмдан чильиб кетган.

Бизнингча, бу ёазални инглиз шеърхони жон льулођи билан тингламайди, ќайратга тушмайди ва таъсирланмайди. Фаљат машќур ўзбек классик шоири, ёазал мулкининг Султани бу ёазал билан нима демольчи эканлигини тушунади, холос. Таржимада мазмуннинг берилишида ќам камчиликлар мавжуд. Њз тажрибамдан келиб чильиб ёазал шаклини мазмунини лъайта яратишда льуйидаги ишларни амалга ошириш лозим деб ќисоблайман.

1. Инглиз шеърятини, унинг ўзига хос шаклларини, хусусиятларини, айнильса сонетларни ўрганиб чильиш, уларни ёдлаш, таклил льилиш;

2. Буюк Британия ва Америка шоирлари асарларини ўрта аср намуналаридан бошлаб таржима льилиш. Уларнинг рус тилида ва бошља тилларда лъай тарзда лъайта яратилганлигини таклил льилиш;

3. Ўзбек шоирларининг шеърларини инглиз тилига таржима льилиш;

4. Алишер Навой ва Бобур ёазалларининг рус тилига, сонетларнинг ўзбек тилига льилинган таржималарини таклилдан ўтказиш;

5. иложи бўлса ёазални ямб ёки хорей вазнига лъўйиб, ёки ќижо вазнининг 7-8 турольи тизимида лъайта яратиш, байтлар тузилишини сальлаш, льофияни, товушлар такрорини ќосил льилиш.

¹ А. Навой «Уммондан дурлар» Т. : – 2000. 104 бет.

Х БОБ. ҚОРА МАРИЯ ШЕЪРИ ҲАҚИДА*

Съзларнинг нотўғри таржима ъилиниши, айниъса лирик шеърлар маъносига катта путур етказади: бу қол баъзан мавқумликни юзага келтирса, гоқо тескари маънони келтириб чиъаради. Шундай съзлар бъладики, улар шеърнинг мехвари бълиб, асосий маънони ифодалаб келади. Корней Чуковский бундай мисолни келтирган эди: Америкалик занжи шоир Ленгстон Хъюзнинг «Љора Мария» номли шеърини рус тилига аввал М. Зенкевич таржима килган. Бу таржимага къра, шеърда занжи йигитнинг ъора танли ъизга эқтиросли муқаббати кикоя ъилинади. Аммо бу шеър В. Британшский томонидан иккинчи марта таржима килинганда маълум бъладики, Љора Мария кеч ъандай занжи ъиз эмас, балки... мақбусларни ташийдиган ъамокхона машинаси экан! Љора танлилар бу машинага шундака «лаъаб» берган эканлар. Шеърда ъора танли йигитнинг шу машинани къргандан кейин тақликка тушиши, ъуръув аралаш ташвишлари тасвирланган. Њълланмада «Љора Мария» шеърининг таржимаси барилган. Бу шеър блюз жанрида ёзилган бълиб талабаларда ъзига хос ъизилъишни уйђотади ва бу жанрни ъзбек тилига ъгириш мумкинлигига амин бълишади.

ЛЕНГСТОН ХЪЮЗ ВА БЛЮЗ ЖАНРИ ҲАҚИДА

Ленгстон Хъюз (1902-1967) Моплинда (Миссури) тижоратчи ъора танли оиласида туђилган. У савдо флатида денгизчи бълиб хизмат ъилди. Хъюз Оврапа, Африка, Хиндистон бъйлаб саёкат ъилди, 30 – йилларда собиль Совет Иттифоъида бълади. У 1926 йилда ъзининг «Зе вэари блюз» деган биринчи тъпламини нашр эттирди. 1937 йилда Испания гражданлар урушида мухбир сифатида ъатнашган. Хъюз ъора танлиларнинг тенг хуъуълиги учун олиб борилган курашларида фаол ъатнашган. У танилъли публицист ва ёзувчи эди. Хъюзнинг шеърлари «Янги ъъшилъ», «Шекспир Халемда», «Ажойиботлар маскани», «Ойингдан съра» деган тъпламларда чоп этилди.

Хъюз ширали халъ тилида ёзади, къпинча диалектлардан, жаргонлардан, оддий съзлардан фойдаланади. Унинг шеърлари кишига лирик кайфият бађишлайди. Хъюз баъзан киноя ва истекзо билан танлъид ъилади, беђараз кулади. У турмуш икир-чикирларига эътибор беради ва уларни ъз асарларида тасвирлайди.

Хъюз айниъса янги шеърый жанр бълган «блюз»дан фойдаланишни яхши кърради. «Блюз» катъий канон (оқанг такрори)га эгадир. Биринчи чъзиль сатр такрорланади, такрорланган сатр бироз ъзгаради, баъзан ташлаб кетилади. Учинчи сатр олдинги икки сатр билан ъофиядош бълади. Блюз деярли кamma вальт тушкун руқни ифода этади, аммо у ижро этилганда кулгини ъъзђайди.

Њълланмада шоир шеърларидан айрим намуналар берилган ва таржима ъилинган.

* Ушбу таржималар кисман Д. Султонованинг “Бевосита таржима сабоқлари” китобига ҳам киритилган: Самарқанд, СамДЧТИ.- 2005 йил.

FROM ENGLISH AND AMERICAN POETRY INTO UZBEK

Thomas WYATT (1503-1542)

THE LOVER'S APPEAL

And wilt tnow leave me thus?
Say nay! Say nay! For shame!
To save thee from the blame
Of all my grief and grame!
And wilt tnow leave me thus?
Say nay! Say nay!

And wilt tnow leave me thus?
That hath loved thee so long
In wealth and woe among?
And if thy heart so strong
And wilt tnow leave me thus?
Say nay! Say nay!

And wilt tnow leave me thus?
That hath given thee my heart
Never for to depart
Neither for pain nor smart:
And wilt tnow leave me thus?
Say nay! Say nay!

And wilt tnow leave me thus?
And have no more pity
Of him that loveth thee?
Alas! Thy cruelty!
And wilt tnow leave me thus?
Say nay! Say nay!

ИНГЛИЗ ВА АМЕРИКА ШЕЪРИЯТИДАН ЎЗБЕКЧАГА

Инглиз шоири Томас УАЙЕТ (1503-1542)

ИЛТИЖО

Солиб шу куйга кетар бўлдингми?
Кетмагин, кетма; Номусга лўйма.
Чеккан дардима, барча лўйҳума
Бўлиб сабабкор гуноқга лўлма.
Солиб шу куйга кетар бўлдингми?
Кетмагин, кетма.

Солиб шу куйга кетар бўлдингми?
Кошонангда кам, ҳамхонангда кам,
Ёнингда доим бўлган эдим ман.
Лўердан сенда шунча ўт, алам?
Куйдириб тамом кетар бўлдингми?
Кетмагин, кетма.

Солиб шу куйга кетар бўлдингми?
Лўалбин бутунлай сенга берганни,
Бирга умрбод бўлай деганни.
Жабру зулмингга кўниб келганни,
Солиб шу куйга кетар бўлдингми?
Кетмагин, кетма.

Солиб шу куйга кетар бўлдингми,
Нақотки рақминг келмайди асло,
Сени деб ёнса бул бир бенаво?
Баҳринг тош экан, билмабман, эвоқ!
Солиб шу куйга кетар бўлдингми?
Кетмагин, кетма.

TO ELECTRA

I dare not ask a kiss?
I dare not beg a smile?
Lest having that, or this?
I might grow proud the while.

No, no, the utmost share
Of my desire shall be?
Only to kiss the air
That lately kissed thee.

TO ANTHEA, WHO MAY COMMAND HIM ANY THING

Bid me live, and I will live
Thy Protestant to be:
Or bid me love, and I will give
A loving heart to thee.

A heart as soft, a heart as kind,
A heart as sound and free
As in the whole world thou canst find,
That heart I'll give to thee.

